

# SAIGA NEWS

Экология ва сайгоқни сақлаш масалалари бўйича ахборот алмашиш учун 6 тилда чоп этилади



В.Малева сурати

## Ғарбий Қозоғистонда 2010-2011 йй. *Saiga tatarica* сайгоқлари нобуд бўлишининг сабабларини ретроспектив баҳолаш

Р.Кок, Ю.А.Грачев, А.Жакирбаев, А.Усенбаев, Ш.Цутер, О.Климанова, Т.Дейтерих, М.Сапанов, Г.Изимбергенова

Муаллиф-мухбир: проф. Ричард Кок, Ветеринария қироллик коллежи, Патология ва юқумли касалликлар бўлими,  
[rkock@rvc.ac.uk](mailto:rkock@rvc.ac.uk)

Ғарбий Қозоғистонда 2010 ва 2011 йилларда сайгоқлар нобуд бўлишининг замонавий ва энг эҳтимолга яқин фараз - қўзиладан сўнг катта сайгоқлар яйловлари деярли бой бўлган ҳудудга кўчгани, бу эса жуда тез ўсиш даври билан мос келганидан иборат. Ўсимликларни ейиш қорин шишиши, енгил диарея ва "кескин ўпка шиши"га ўхшаш нафас олишининг бузилиши оқибатида тўсатдан ўлиш синдромига олиб келган.

Сайгоқларга зарар етказаётган касаллик авж олишини ўрганиш – бир қатор сабабларга кўра бажарилиши қийин бўлган вазифа: тадқиқот районининг узоқлиги, яқин масофадан ҳайвонларни кузатиш қийинлиги ва клиник тадқиқотлар ўтказишга имкон йўқлиги. Ишлар бошланишининг чўзилиши ҳайвонлар жасади ўлимдан

сўнг соатлар ёки кунлар ўтгандан кейин тадқиқ қилинишига олиб келади, бу вақтда эса чиришда қатнашадиган бактериялар патологоанатомик диагноз натижасига таъсир қилиши мумкин.

Кузатишлар тарихи сайгоқ популяциялари уларнинг ялпи ўлимига олиб келадиган касалликнинг йирик ва шубҳасиз табиий авж олишидан қийналишидан далолат беради. Нисбатан қисқа даврда (1955, 1956, 1958, 1967, 1969, 1974, 1981, 1984, 1988, 2010 ва 2011 йй.) Қозоғистонда асосан оксим ва пастереллез касалинининг авж олиши кузатилган. Бу ҳам уй, ҳам ёввойи ўтхўрларда юқори ўлим даражасига эга эпизоотияни юзага келтирадиган вирусли ва бактерияли касалликлар. Ҳозирги вақтда замонавий сайгоқ сонининг камлигини ҳисобга олганда, эпизоотия, унинг оқибатида ҳайвонлар

Охири 2-бетда.

# МУНДАРИЖА

## Асосий мақола

*Р.Кок ва бошқ.* Фарбий Қозоғистонда 2010-2011 йй. *Saiga tatarica* сайғоқлар нобуд бўлишининг сабабларини ретроспектив баҳолаш..... **1**

## Янгиликлар

*А.Кюль, К.Реттгер* CMS COP10: кўчиб юривчи турлар бўйича тармоқли иш ..... **4**

*Н.Ю.Арилова* WCN табиатни муҳофазаси бўйича 10-чи юбилей кўргазма ..... **5**

*Э.Дэнсер* Жанубий Россияда Сайғоқ бўйича биринчи халқаро экотур ..... **6**

*А.-Б.Дагмар* Олтин Далада сайғоққа биринчи фото-сафари .... **7**

*Ч.Минькеев* Тирик сайғоқни кўриш, ёки «Яшқўл» питомнигига саёҳат ..... **8**

*Е.А.Бикова* Устюртда сайғоқ тўғрисида янги ҳужжатли фильм намойиш қилинди..... **9**

## Матбуотдан:

Урал сайғоқ популяциясини муҳофаза қилиш бўйича икки томонлама келишув имзоланишга тайёрланмоқда.

Иргиз -Тўрғай резерват маъмурий комплекси ишга тушди.

Қалмоғистонда сайғоқни ҳисобга олиш амалга оширилди.

«Сайғоқ тўғрисидаги сага-2» мультфильми Байкал кинофестивалида махсус мукофот олди.

ТНТ Қалмоғистонда сайғоқларни сақлаш бўйича дастурни қўллаб-қувватлашни давом этмоқда.

Браконьерлик ва нолегал савдони тўхтатиш ҳолатлари.

## Мақолалар

*Б.Лхагвасурен ва бошқ.* Мўғулистонда кўчиб юривчи ер усти сут эмизувчиларига инфраструктура таъсирининг таҳлили .. **13**

*Б.Бувейбатар ва бошқ.* Озикланиш хусусиятлари ҳамда уй ҳайвони ва сайғоқ ўртасидаги озуқа рақобати..... **14**

*С.Н.Кевена* Сайғоқ миграциясининг кейинги тадқиқот истиқболлари..... **16**

*С.Офффорд* Ўзбекистонда сайғоқ мониторингининг потенциал усулларини баҳолаш ..... **18**

*К.Самюэль ва бошқ.* Ялпи нобуд бўлишдан сўнг Урал сайғоқ популяциясини сақлаш жараёнига жамоатчиликни жалб этиш ..... **18**

*О.Б.Переладова* Россияда сайғоқни сақлаш бўйича ҳаракатларнинг миллий режасини тайёрлаш..... **20**

## Сайғоқни сақлаш - ҳаётларининг иши

*А.А. Григорьянц* Ўзбекистон ..... **21**

## Лойиҳалар шарҳи

2011 й. Сайғоқни сақлаш бўйича альянс кичик грантлар дастурининг танловлари..... **22**

## Эълонлар

CMS Халқаро ўрта муддатли сайғоқни сақлаш бўйича ишчи дастурнинг бажарилишини мувофиқлаштириш..... **23**

*Охири (боши1-бетда.)*

кирилиши ҳақиқат бўлиб қолаётган, асосий хавф ҳисобланади.

Ушбу ишда биз Фарбий Қозоғистонда Борса п. атрофида 2010 й. (тахм.12 000 – 15 000 зот) ва 2011 й. (400дан ортиқ зот) сайғоқлар ўлимини кўриб чиқамиз. Тадқиқот кенг муҳокамалар, дала экспедициялари ва мавжуд материаллар таҳлили борасида олинган маълумотларга асосланган. Асосий хулосаларимиз нобуд бўлган ҳайвон органи тўқималаридан *Pasteurella multocida* ажратиб чиқаришга асосланган «пастереллез» диагнози патологик ва эпидемиологик анализларсиз ишончсиз эканлигидан иборат. Умуман, шу икки йилда касаллик авж олишининг сабабларини тадқиқ қилиш натижасида олинган маълумотлар тўлиқ ва яқуний диагноз қўйиш учун етарли эмас. Бироқ, атроф муҳит ҳолати намуналари ва тўқима намуналарини таҳлил қилиш асосида, эҳтимол, ҳайвонларга захарловчи моддалар таъсирини йўқотиш мумкин. Маълумот йиғиш, нобуд бўлган ҳайвонларни ёриш ва намуна олиш усули энг қулайи эмаслигини таъкидлаш мумкин. Бу ачинарли, бироқ чекланган имкониятлар ҳамда мутахассислар етишмаслигини ҳисобга олган ҳолда тушунарли. Альтернатив тушунча топиш деярли мушкул, бироқ, бу икки ҳодисанинг айрим хусусиятлари сайғоқлар ялпи ўлимининг бўлиши мумкин бўлган сабабларига нисбатан айрим тахминлар қилишга имкон беради.

Биринчидан, 2010 ва 2011 йй. касаллик аломатлари бир хил бўлган, авж олиш деярли битта районнинг ўзида деярли бир ва ўша ҳафтанинг ўзида содир бўлган. 2010 й. ўлим сони тахминан популяциянинг ~75%ни ташкил қилди, ўлим сонининг даражаси 2011 й. ўхшаш бўлган, бироқ бу сафар бошқа жойларда ўтлаётган қолган сайғоқлар соғ қолган вақтда, олдинги йилда сайғоқлар нобуд бўлган районда бўлиб қолган гуруҳдан 500га яқин зот ўлган (1-расм). Бунинг ўзи инфекция касаллик асосий сабаб эмаслигини тахмин қилишга имкон беради, чунки бу касалликка иммунитет ҳосил қилган популяцияда ўлим сонининг даражаси пастроқ бўлар эди. Пастереллез (пневмоник ёки геморрагик септицемия) одатда стресс омиллари билан боғлиқ, бироқ биз кўриб чиқаётган ҳолларда ҳаддан ташқари стрессга олиб келадиган жисмоний, табиий ёки ҳаво шароитлари бўладими, ноодатий тўпланиш, юқори зичлик ёки ҳодисалар тўғрисида далолат йўқ. Қўзилашнинг ўзи юқори стресс даври ҳисобланади, бироқ кўриб чиқилаётган йиллар бу маънода олдингилардан нима биландир фарқ қилади деб тахмин қилишга ҳеч қандай сабаб йўқ. Шунингдек бу районда уй ҳайвонларида пастереллезнинг ўхшаш авж олиши қайд қилинмаганлиги эътиборга лойиқ



Нобуд бўлган ҳайвон тўқималарида *Pasteurella* ва *Clostridia* каби бактерияларнинг топилиши ноодатий ҳол ҳисобланмайди; бу микроорганизмлар одатда нафас йўллари ва ошқозон-ичак трактида бўлади, ва мос тарзда, қулай пайтда организмни зарарлаши мумкин ва зарарлайди. Ҳайвонлар жасадининг пала-партиш ёрилиши ҳам намуналарга бу бактериялар юкишига олиб келиши мумкин.

***Pasteurella* ва *Clostridia* топилиши айрим ҳолларда шубҳа остига олинмаса ҳам, бу микроорганизмлар касаллик патогенезида асосий рол ўйнагани ҳали исботланмагани тахмин қилинади.**



Иккинчидан, бу икки йил кўзилаш вақтида сайғоқлар кўчишининг умумий схемасида истисно бўлмаган, бироқ улар одатдагидан кўра шимолроқ ва ғарбброқда бўлган, бу йиллар эса олдингиларга нисбатан илиқроқ ва намроқ бўлган.

Бошқа муҳим кузатув – бу сайғоқчалар касалга камроқ чалинган, ва эҳтимол урғочилар ўлимидан сўнг очликдан нобуд бўлган вақтда, ўтлаётган катта зотларнинг бир неча кунда тўсатдан ўлиши. Бу инфекция касалликнинг нотипик намоён бўлиши. Шу икки йил давомида ҳайвонлар ўлимининг энг муҳим сабаби – бу битта районнинг ўзи; демек, ўлим сони жой ёки яйлов ўсимлиги билан боғлиқ. Бу районнинг ўзига хос хусусияти - захарли ўсимликларнинг бир мунча концентрациясига эга доминант бўлган бошоқчилар тури (*Lepidium perfoliatum*, *L. ruderalis*, *Descurainia sophia*, *Thlaspi arvense*) ва потенциал қорин шишишига олиб келадиган бошқа ўсимликлар (*Medicago sp.* (26%), *Potentilla sp.* ва *Polygonum sp.*) юқори зичлиги. Бу ўсимликлар яйловларнинг энг нам ва бой майдонларида рельефнинг катта бўлмаган паслитқларида кўп.

Фото ва видео материаллар, кузатувлар каби, бу бой яйловларда ўтлаганда ҳайвонлар тез қорин шишиши, енгил гастрит ва тўсатдан ўлишга олиб келадиган нафас олиш бузилишидан азобланганлигидан далолат беради. Баҳорда иссиқ ва намлик тўйимли озуқа ўсимликларининг тез ўсишига олиб келади, шунинг учун сайғоқларда кўзилаш шу вақтда рўй беради, бироқ бундай озикланишда ҳазм қилиш бузилиши хавфи бор. Уй ҳайвонлари ҳам баҳор ёки кузда аниқ яйлов ёки ўсимлик тури билан боғлиқ ўхшаш синдромдан қийналади. У баъзида ем-хашак тайёрлаш учун ишлатиладиган яйлов ўсимлиги билан ассоциация бўйича "fog fever"<sup>1</sup> деб номланади.

Келажакда сайғоқлар соғлигини сақлашни таъминлаш ва уни муҳофаза қилиш бўйича зарур ҳаракатлар бошлаш учун қуйидагилар тавсия қилинади:

- Вазиятга кўра амалга ошириладиган **назорат**, яъни у кузатишнинг фаол ва пасив усуллари бирга қўшиб шароитга мослашиши керак. Бунга, фаолияти кўпроқ табиати муҳофаза қилиш муассасаларида сайғоқлар соғлигини сақлаш, кенгайтирилган пасив назорат ва патруллик



**Сайғоқларнинг кўзилаш ҳамда ем-хашак излаб силжиш жойлари кўрсатилган Борси районининг 2010 ва 2011 гг май ойидаги схемалари. Кучли ёмғир вақтида ва илиқ ҳавода жойнинг топографияси билан боғлиқ ўсимликка бой яйловлар белгиланган.**


натижаларига асосланган хабар бериш тизимига йўналтирилган масъул бошқарувчи орган иши қиради;

- Кўп ҳолларда сайғоқлар ўлими мавсумий тусга эгаллигини ва тахминан кўзилаш даврида рўй беришини ҳисобга олиб, 3-4 ҳафта давомида Қозоғистонда **кўзилашдан олдин ва кейинги** даврда асосий сайғоқ популяцияларини ўрганиш учун **ҳар йилги кузатув ўтказиш учун гуруҳ** ташкил қилиш тавсия қилинади.
- Ҳайвонлар соғлиқ ҳолатининг нормал параметрларини ўрнатиш, экологик шароитларнинг соғлиққа таъсирини таҳлил қилиш; ўзини тутиш, яшаш жойлари, иқлим ва озикланиш билан боғлиқ ҳамма томонларни ўрганишга йўналтирилган **тадқиқот. Касаллик авж олган** ҳолда зудлик билан олдиндан тайёргарлик кўрган мутахассислар гуруҳининг кучи билан ҳар томонлама тадқиқот бошлаш лозим;
- Касаллик авж олган вақтда **аралаш** даражаси эпидемиологик вазият ва таъсир кўрсатиш имкониятларига боғлиқ;

<sup>1</sup> Молнинг ўткир ўпка эдема ва эмфиземаси (Acute Bovine Pulmonary Edema and Emphysema)

- Ҳар қандай касалликка **яқуний ташхис** қўйиш учун ҳар хил мутахассислардан гуруҳ ташкил қилиш, турли анализлар ўтказиш учун лаборатория ва контакт шахслар рўйхатини тузиш зарур. Шунингдек шошилинч анализлар ўтказиш учун ресурслар билан таъминлаш зарур. Имкон қадар, рўйхатга хорижий лабораторияларни қўшиш лозим.
- Ҳар хил институтларнинг **потенциалини кучайтириш** муҳим. Сайғокни сақлаш учун масъул бўлган вазирлик қошида мультидисциплинар гуруҳ ташкил қилиш тавсия этилади. Вазибаларига соғлиқ ва касаллик ҳолатларининг самарали тадқиқотини ўтказиш, анализ,

аралашини, назорат ёки бошқарув қирадиган гуруҳ таркибига: яйловлар бўйича мутахассис/эколог, ветеринар-эпидемиолог/касалликлар экологияси бўйича мутахассис ва ёввойи ҳайвонлар (тегишли ёрдамчи персонал ва дала ишларини ўтказиш учун асбоб-ускунадан фойдаланиш ҳуқуқига эга) ветеринари қириши керак.



Сайғоклар қўзилаш ва ўлиш тахминий жойлари кўрсатилган Борси районининг картаси (Бакитбек Дусекеев томонидан тақдим этилган, [cites@minagri.kz](mailto:cites@minagri.kz); Охотзоопром расми оригиналига аниқликларни Тиль Дейтерих киритди).



Ўлаётган сайғок сурати (Охотзоопром видеофильмидан) ўлат, шишини, цианоз (асфиксия) ва ҳайвон ўлимидан сўнг нафас йўлларида ажралаётган қон аралаш қўпик тасвирланган

## Янгиликлар

### CMS COP10: кўчиб юрвчи турлар бўйича тармоқли иш

Алин Кюль, Кристиан Реттгер, ЮНЕП/CMS Котибияти



2011 й. охирида 80 дан ортиқ давлат ҳукуматининг вакиллари Норвегияда сайғок каби кўчиб юрвчи турларни глобал сақлаш масаласини муҳокама қилиш учун йиғилди.

Кўчиб юрвчи турлар бўйича Конвенция (CMS) томонларининг 10-чи Конференцияси (COP10) "Кўчиб юрвчи турлар бўйича тармоқли иш" шиори остида ўтди. Бу билан нафақат муҳим майдонлар ва шу билан боғлиқ кўчиб юрвчи турларни муҳофаза қилиш масалаларини аниқлаш муҳимлиги, балки турли манфаатдор томонлар – ҳукуматлардан маҳаллий аҳоли ўртасидаги узвий ҳамкорлик муҳимлиги таъкидланади. COP10 да қабул қилинган 28 резолюция бандларининг кўпи сайғокқа нисбатан долзарб ҳисобланади.

Экологик тармоқлар бўйича 10.3 резолюция, эҳтимол, кўчиб юрвчи ҳайвон турларига мансуб экологик тармоқларни янада ривожлантириш имконини беради. Вақтинча ёки доимий асосда сайғок учун муҳим худудлар ажратиш ва муҳофаза қилиш зарурати бўлиб, бу CMS (Улан-Батор, сентябрь 2010 й.) имзолаган мамлакатларнинг 2-чи учрашуви, ва Қозоғистонда (Астана, февраль 2011 й.) CMS сайғокни сақлаш бўйича ҳамжиҳатлик Меморандумини бажариш бўйича семинарда муҳокама қилинган. COP10 доирасида ЮНЕП/CMS GRID-Arendal билан биргаликда экологик

тармоқларни ривожлантириш ўта муҳимлигини таъкидлаб, "Ҳамма нарса ўзаро боғлиқ бўлган тирик сайёра" китобига бевосита жавобларни баҳолаш бўйича тадбир ташкил қилди. Сайғокни ўрганаётган экспертларнинг жиддий ҳиссаси туфайли бу тур мисол сифатида кўриб чиқилди. Бу китобдан олинган карталарни қуйидаги саҳифадан бепул кўчириб олиб чекловсиз фойдаланиш мумкин: <http://maps.grida.no/go/collection/living-planet-connected-planet-rapid-response-assessment>.

Сайғок ареали мамлакатларидан, COP10 Илмий кенгаш ишида Қозоғистон, Ўзбекистон ва Мўғулистон вакиллари фаол иштирок этди. Уларга кўшни мамлакатлардан Қирғизстон ва Тожикистон қатнашди; Тожикистон аргалини (*Ovis ammon*) II CMS иловага киритишнинг фаол тарафдорларидан бири бўлди. Марказий Осиё мамлакатлари ҳам итолгини (*Falco cherrug*) I CMS иловага киритиш бўйича ишчи гуруҳда фаол қатнашди. Бергенда томонлар Конференциясидан олдин Бухоро буғусини сақлаш ва тиклаш бўйича ҳамжиҳатлик Меморандумини имзолаган томонларнинг тўқайли ўрмонларда яшайдиган, йўқ бўлиб кетиш хавфи остида бўлган бу турни сақлаш бўйича кейинги ҳаракатларни ишлаб чиқаётган Марказий Осиё мамлакатлари иштирокидаги биринчи учрашуви ўтказилди.





ENB сурати

**Ева Клебелъсберг, АСБК, Қозоғистонда сайғоқни сақлаш жараёнида чиқарилган сабоқ ва тенденцияларни намоиш этмоқда.**

Сайғоқ ва арғалини сақлаш масалалари иккита бирга содир бўлган тадбирда кенг муҳокама қилинди. Унинг натижасида кўчиб юрувчи йирик туёқлилар йўлида тўсиқлар юзага келадиган инфратузилмани ривожлантириш муаммосининг муҳокамаси Илмий Кенгаш ва бирга содир бўлган тадбирлар кутиш вақтида катта эътиборни тортди. WWF-Мўғулистон вакиллари инфратузилма ривожланишининг таъсирини ўрганиш натижалари билан ўртоқлашди, жумладан сайғоқ ва дзерен каби туёқли ҳайвонларнинг яшаш жойлари ва кўчиб юриш йўлларида автомобил ва темир йўллари қурилиши. Иш Мопасо молиявий кўмағида бажарилиб, бу конференция иштирокчилари томонидан маъқулланди. Бу кўчиб юрувчи ҳайвонларга инфратузилма ривожланиши таъсиринининг салбий оқибатларини камайтириш бўйича



ENB сурати

**Бухоро бугуси бўйича учрашув иштирокчилари (чапдан ўнга: Кристиана Реттгер, Харбек Мусабоев, Элизабет Мрема и Мелани Вирту).**

келажакдаги фаолият йўлидаги илк қадам бўлди (*Saiga News* шу сонидagi мақолага қар.).

Илмий кенгашда муҳокама қилинган ва кейинчалик ареал давлатлари ҳамда экспертлари томонидан узвий боғлиқликда 2012 й. ишлаб чиқилган Марказий Осиё арид зонасидаги сут эмизувчилар бўйича CMS Ҳаракатлар режасининг Лойиҳаси ҳам сайғоқни сақлаш масалаларини ўз ичига олади.

*Кўшимча ахборотни қуйидаги сайтлардан олиши мумкин*

[www.cms.int](http://www.cms.int) ва

<http://www.cms.int/bodies/COP/cop10/media.htm>.

*Сиз шунингдек Марказий Осиё бўйича CMS ҳудудий координатори Кристиана Реттгер билан [croettger@cms.int](mailto:croettger@cms.int), Осиё фаунаси бўйича консул Таедж Мундкур билан боғланишингиз мумкин [taj.mundkur@wetlands.org](mailto:taj.mundkur@wetlands.org).*

## WCN табиатни муҳофазаси бўйича 10-чи юбилей кўргазма

Надежда Арилова, Қалмоғистон Республикаси Ёввойи ҳайвонлар маркази, [arylova@gmail.com](mailto:arylova@gmail.com)

2011 йил 1 октябрда Сан-Франциско, АҚШда Ёввойи табиатни сақлаш халқаро тармоғи (WCN) томонидан ташкил қилинган табиат муҳофазаси бўйича ўнинчи юбилей кўргазма бўлиб ўтди. Бу тадбир нафақат WCN учун, балки бу ташкилотнинг бутун дунёда кам учрайдиган ҳайвон турларини сақлаш билан шуғулланадиган барча ҳамкорлари учун ёрқин ҳодиса бўлди.

Бу юбилей йилда, WCN табиат химоячиларига Америка жамоатчилигига ўз ютуқлари тўғрисида сўзлаш, муаммолари билан бўлишиш, табиат муҳофазасининг турли соҳаларида донор, волонтер, экспертлар билан учрашишга яна бир ноёб имконият тақдим этди. Бир биридан минглаб километр узоқликда ишлайдиган, бироқ бир хил қийинчиликларга учрайдиган ва ўз ишини сидқидилдан бажарадиган бошқа экологлар билан тажриба алмашиш муҳим эди.

Ҳар йилги WCN Экспо ҳафталиги раҳбарлигида анъанавий тарзда, кўргазманинг ўзидан ташқари WCN ҳамкорлари учун семинарлар ва донорлар билан учрашувлар ташкил қилинади. Ёш олимларни қўллаб-қувватлаш WCN дастурининг стипендиати бўлган ҳолда, биринчи йиғилишда мен Шимолий-Ғарбий Каспий олдида сайғоқни сақлаш бўйича бажарган ишларимнинг натижалари билан ўртоқлашдим.



М.Варон сурати

**Чарли Нолез WCN стипендиатларини тингловчиларга таништиряпти.**

Расмий қабул маросими вақтида ҳам, дастур хомийлари, донорлар ва WCN ходимлари билан мулоқот вақтида ҳам, мен, бошқа мамлакатларнинг ёш олимлари билан бирга, ишимизга кўмаклашгани учун WCNга катта миннатдорчилик билдириш бахтига муяссар бўлдим.

Семинарда қатнашиш донорлар билан диалог олиб бориш бўйича амалий маслаҳатларни кўшиб, молиялаштиришни топиш ишларидаги икир-чикирлар тўғрисида ўзларидан эшитиш, лойиҳа ёзиш бўйича мастер-классларда қатнашиш, иш самарадорлигини баҳолаш ва стратегик режалаштириш, кам учрайдиган хайвон турларини ўрганишнинг бизнес-технология ва ноанъанавий усулларидадан фойдаланиш (масалан, хизмат итлари ёрдамида) ва бошқаларга имкон берди. Олинган ахборот асосида, мен табиат муҳофазаси соҳасида ишлашнинг Россия учун жуда долзарб бўлган замонавий самарали усулларидадан фойдаланиш бўйича хақиқий амалий қўлланмага эга бўлдим.

WCN юбилей шарафига ўтказилган қабулда ўз иштироки билан нафақат экологларни илҳомлантирган, балки, шубҳасиз, уларни кутқариш бўйича WCN ёрдами ва ишига муҳтож хайвон турларига жамоатчилик эътиборини тортган таниқли Голливуд актрисаси Изабелла Росселлини хоним азиз меҳмони бўлди.



Сайғоқни сақлаш бўйича альянс экспозицияси.



Изабелла Росселинининг чиқиши.

Мен учун янги танишувлар, ахборот ва тажриба алмашиш, потенциал донорлар билан алоқани йўлга қўйиш юз бўлган норасмий вазиятдаги мулоқот ажабланарли бўлди.

Бирок мингдан ортиқ меҳмон - табиат ишқивозлари, шунингдек олимлар ва ер шарининг турли бурчақларида ишлайдиган табиатни муҳофаза қилиш ташкилотларининг вакиллари тўплаган кўргазма, албатта энг катта воқеа бўлди.

## Жанубий Россияда сайғоқ бўйича биринчи халқаро экотур

Энтони Дэнсер, SCA, [mail@saiga-conservation.com](mailto:mail@saiga-conservation.com)

2011 й. 7 сентябрда сайғоқни сақлаш бўйича альянс (SCA) томонидан ташкил қилинган сайғоқ бўйича биринчи экотур муваффақиятли якунланди. Сўнгги икки йилда SCA бу турни сақлаш бўйича лойиҳаларга зарур ёрдам кўрсатиш, шунингдек маҳаллий иқтисодиёт учун даромад манбаини таъминлаш ва халқаро бирлашмалар билан алоқа ўрнатиш учун Жанубий Россияда сайғоқ яшайдиган жойларида экотур ишлаб чиқиш устида ишлади. Шу мақсадда SCA табиий ва маданий диққатга сазовор жойлари бўйлаб 10-кунлик тур ташкил қилган Saga Voyages маҳаллий сайёҳлик компанияси билан ҳамкорлик ўрнатди.

Ростов-на-Дондан йўл бошлаб, шимолий америкалик сайёҳлар гуруҳи Қалмоғистонга борди ва саёхатни тарихий Астрахань шаҳрида якунлади. Йўлда сайёҳлар SCA иш олиб борадиган барча муҳим жойларда, жумладан Қалмоғистон Республикаси Ёввойи хайвонлар маркази ва Астрахань областидаги "Степной" табиий заказнигида бўлди. Улар Яшқўл поселкасининг қишлоқ мактаби, Ростов биосфера кўриқхонасига ҳам борди, Волга дельтасига сув саёхатини амалга оширди.

Биз саёхатнинг турли босқичларида сайёҳларни қузатган эколог-экспертлар гуруҳига миннатдорчилик билдирамыз: Ростов биосфера кўриқхонаси директори





«Яшкүл» питомнигида сайёхлар гуруҳи (чапда) ва Волга бўйлаб сув саёҳати вақтида (ўнгда).



Людмила Клец ва унинг ҳамкасблари Александр Липкович, Владимир Казмин ва Виктор Федосовга; «Чўлларнинг жонли табиати» Ассоциациясидан Виктор Петренкога, Ёввойи ҳайвонлар маркази директори Юрий Ариловга ва "Степной" табиий заказнигининг директор Анатолий Хлудневга.

Саёҳатдан олинган таассуротлар ҳаддан ташқари ижобий бўлди. Канадалик Дебби Чорнейко таъкидлади: "Сайғоққа ёрдам беришга уринаётган инсонларни учратиш, уларнинг фидокорлик ва гамхўрлигини кўриш – бу ҳақиқатдан илҳомлантиради ва умид бағишлайди". Шунга қарамадан, ҳали келгусида ҳам турлар ўтказилишини яхшилаш, кенгайтириш ва давом эттириш

ишларини ўтказиш керак. Сайғоқни сақлаш учун мунтазам ва ишончли молиявий қўмак келишини таъминлаб, Россия жанубининг биохилма-хиллигини сақлашга халқаро жамоатчилик эътиборини тортган ҳолда туризмиз ҳар йили ўтказилишига умид қиламиз. Ҳозирги вақтда кейин турни ўтказишга тайёргарлик кўрилмоқда; чиқиш 2012 йил август ойининг охирига режалаштирилган. Тур тўғрисидаги ахборот SCA юбориш рўйхати бўйича жўнатилади ва барча хоҳловчилар учун Альянс вебсайтида тақдим этилади.

Барча манфаатдор шахслар биз билан қуйидаги манзил бўйича боғланиши мумкин: [mail@saiga-conservation.com](mailto:mail@saiga-conservation.com).

## Олтин Далада сайғоққа биринчи фото-сафари

Дагмар А.-Б., Франкфурт зоология жамияти, [andres-bruemmer@zgf.de](mailto:andres-bruemmer@zgf.de)

2011 й. 31 майдан 9 июнгача Қозоғистон биохилма - хиллигини сақлаш бўйича Ассоциация (АСБК) "Nomadic Travel" агентлиги билан биргаликда Олтин Далани сақлаш бўйича Ташаббус лойиҳалаш ҳудудида "сайғоққа биринчи фото-сафари" ўтказди. Бу чиқиш Қозоғистон Олтин чўлида табиат ва ёввойи ҳайвонларни ўрганиш мақсадида экологик туризмни ривожлантириш имконларини тадқиқ қилишнинг синови лойиҳаси эди. Бу лойиҳанинг асосий ғояси экотуризм тўғри ташкил қилинса, АСБК табиий ҳудудларини молиялаштириш ва бошқариш барқарор манбаи, шунингдек бу узок ўлка маҳаллий аҳолиси учун даромад манбаи бўлиб қолиши мумкинлигидан иборат. Шунинг учун, ушбу саёҳат мақсади бу ёввойи чўл ҳудудларига табиат

ишқивоз-сайёхларининг ташрифи маҳаллий аҳоли ва табиат муҳофазасига фойда келтиришини аниқлаш эди.

Тур қозоқ чўлларининг қоқ марказида – ҳолати узок масофага кўчиб юрувчи охириги ҳайвонларнинг бири – сайғоққа боғлиқ бўлган, бой биологик хилма-хиллик билан ажралиб турадиган, кенг қўл урилмаган ҳудудда ўтди. Сўнгги йилларда бетпақдала сайғоқлар популяцияси муҳим даражада кўпайганлиги туфайли, бу узок ва ёввойи ўлкада кам учрайдиган антилопаларни кузатиш мақсадида сайёҳлик экспедицияларининг ўтказилиши энди мумкин бўлди. "Сайғоққа фото-сафари" ҳайвонлар кўзилаб, кўзилаш жойини ташлаб кетгандан кейин июнь ойининг бошида ўтказилди.



Каспий зўёки - европалик бердвочерлар учун кам учрайдиган турни кузатиш.

Тур Джекказган ш. аэропортида бошланиб, яқунланди, ва сайғоқ бўйича мутахассислар – АСБКдан Оркен Шаймуханбетов ва Ева Клебельсберг, шунингдек ушбу ҳудудда ишлайдиган инспекторлар томонидан ўтказилди. Биринчи кечани гуруҳ Улитауда хусусий фермада ўтказди. Қабул қилувчи оилалар меҳмондорчилиги, анъанавий уй-жой ва овқат меҳмонларда катта таассурот қолдирди. Эртаси куни сайёҳлар Алтибай лагерига етиб бориб, сайғоқ ва бошқа ёввойи ҳайвонларни кузатиш учун 6 кунга қолди.



А.Б. Диллар сурати

Сайёҳлар АСБК мутахассисларига бўри популяциясининг мониторинги учун фототузоқ кўйишга кўмаклашяпти

### Чўлдаги лагерь

Лагерь цивилизациядан узокда Улу-Жиланшиқ кичик дарёси бўйида жойлашди. Қулай мебель билан жиҳозланган, анъанавий қозоқча нақшли гиламлар билан безатилган иккита юрта меҳмонлар учун бошпана вазифасини бажарди. Иккита маҳаллий ошпаз европача таъмга бироз мослаштирилган жуда яхши қозоқ миллий таомларини тайёрлади.

Алтибай лагери жойлашган ҳудуд, камдан-кам учрайдиган чўл экотизимидан иборат. Тўнғиз, бўри ва қушларнинг кўп тури жийдазордан пана жой ва озук манбаи сифатида фойдаланади. Қушларнинг кўплиги ва хилма-хиллиги бу жойни қуш қузатувчилари учун кўркем қилади, бунинг устига у ерда каспий зуеки каби кам учрайдиган қушларни кўриш мумкин. Бу ерда, уларнинг кўплиги қузатувни қулай қиладиган, майда сут эмизувчи, рептилия, ниначи ва қўнғизларнинг кўплаб турлари яшайди. Бу ерда қийинчиликсиз бўри, ёввойи чўчка, бўрсик ва, албатта, сайғоқ изларини топиш мумкин. Бу, ҳақиқатдан, экология ва табиат билан қизиқадиغان барча учун ажойиб жой.

### Кўринмас сайғоқлар

Фото-сафари ўтказишдан атиги бир неча ҳафта олдин, АСБК гуруҳ аъзолари бу майдонда 20 000 га яқин кўзилаш вақтидаги сайғоқларни қузатди. Бетпақдала популяциясининг кўпайиши, шунингдек катта подаларнинг қузатилиши яқин масофадан сайғоқларни суратга олиш мумкинлигига ишонтирди. Бахтга қарши об-ҳаво ва ҳайвонлар бизга панд берди. 2011 й. баҳори деярли ёмғирли бўлди, шунинг учун сайғоқлар АСБК гуруҳи кутганидек одатий сувлоқ жойларига келмади. Олти кун давомида биз, келишимиздан бир неча кун аввал инспекторлар лагер яқинида қузатган "катта подалар" пайдо бўлишини кутдик. Бироқ сайғоқлар маълум даражада "кўринмас" эди. 30-40 бошдан иборат подага яқинлашган энг кичик масофа бир неча юз метр бўлди, бироқ пода тез кўринмай қолди. Биринчи кунларда шаррос ёмғир кундалиқ юришларни атрофдаги лагерларга саёҳатгача чеклаган ҳолда, йўлларни юриш учун ярқисиз қилиб вазиятни янада чуқурлаштирди. Шунга қарамадан, биз сайғоқларни кўрдик. Бу ҳайвонлар ҳали ҳам браконьерлик исканжасида бўлганлиги ва уларнинг популяцияси олдингига нисбатан камлигини ҳисобга олиб, бизга омад қулиб боқди десак ҳам бўлади. Атиги икки-уч йил аввал бунинг, албатта, имкони йўқ эди.

### Сайёҳлик учун имкониятлар

Бу районнинг ўзига хос чўл ландшафти ва узоклигини олганда, Олтин Дала ҳар доим ўзига хос қизиқишга эга гуруҳларни ўзига тортадиган жой бўлиб қолади. Бироқ, сайёҳлар сони кўп бўлмаслигига қарамадан, доимий равишда экологик туризмни ривожлантириш имкониятлари мавжуд. Маҳаллий аҳоли эса, ўз фермаларида сайёҳларга овқат ва бошпана бериб, шубҳасиз фойда олиши мумкин.

Бундан ташқари, чўлга саёҳатни, турни бошқа мақсадли гуруҳлар учун ҳам қизиқарли қилиши мумкин бўлган пиёда туризм, отда юриш каби бошқа фаолият турлари билан кенгайтириш мумкин. Режалаштирилаётган Пржевальский оти ва қулон реинтродукциясини эътиборга олган ҳолда, Олтин Дала экотуризм учун янада ҳаммабоп жой бўлиб қолиши мумкин. "Бўриларни қузатиш"га ҳам қизиқиш пайдо бўла бошлади, шунинг учун секин ўсаётган бўри популяцияси ушбу жойдаги экотуризм учун қўшимча актив бўлиши мумкин. Шунингдек туризм умуман мамлакатда табиат муҳофазаси зарурлиги тўғрисидаги тушунчани потенциал ошириши мумкин.

Агар Сиз чўл сафарисидида иштирок этишни хоҳласангиз, Ольга Климанова билан боғланишингизни сўраймиз, [Olga.klimanova@acbk.kz](mailto:Olga.klimanova@acbk.kz)

## Тирик сайғоқни кўриш, ёки «Яшқўл» питомнигига саёҳат

Минькеев Чингиз, МОУ Қалмоғистон Республикаси Лаганск районининг «Лиджи-Горяев Тюрбя Л-Г. номидаги шимолий ўрта таълим мактаби»

Биология дарслари доирасида 2011 й. ноябрда мактабимизнинг 9-10 синф ўқувчилари сайғоқ тўғрисида олинган билимларни мустаҳкамлаш учун «Яшқўл» питомнигига ташриф буюрди. Фақат бу ерда болалар китобда ўқиган сайғоқларни ўз кўзлари билан кўришга, бу ҳайвонларнинг Шимолий-Ғарбий Каспий олдидаги замонавий популяцияси ҳолати,

уларнинг нобуд бўлиш сабаблари тўғрисида, ва Республикамизда бутун жаҳон мероси ҳисобланган антилопалар қандай сақланиши тўғрисида билишга сазовор бўлди. Болалар сайғоқлар катта, кенг вольерларда яшашини ва питомник ходимлари уларга қандай қарашини кўрди. Ташриф-марказда кўп туйғулар уйғотган Қалмоғистондаги\_



сайғоклар тўғрисида видеоролик кўриш, Марказ ходимларининг иши билан батафсилроқ танишиш, бизни қизиқтираётган саволларни бериш, Республиканинг бошқа мактабларидаги ўқувчиларининг сайғоққа бағишланган ижодий ишларини кўриш имконига эга бўлди.

Марказ вольерларида сақланадиган бошқа ҳайвонларни: бизон, тўнғиз, эму туяқуши, ёввойи қушлар, туяларни кузатиш ҳам қизиқ бўлди. Натижада, болалар ўз ўлкалари тўғрисида кўп ажойиб ва қизиқарли нарсалар билиб олди, нафақат сайғоклар, балки Республикамиз ва умуман дунёнинг бутун ноёб биологик хилма-хиллигини сақлашда ўз дахлдорлигини сизди. Саёҳат болаларга жуда ёқди ва ўқитувчи учун фойдали бўлди.

Биз питомник ходимларига берилган имкон ва самимий кутиб олганлари учун, ташкилотчиларга эса – саёҳатимиз амалга оширилганлиги учун миннатдоримиз.



Мастаб архивдан олинган сурат

Лиджи-Горяева Тюрбя Л-Г. номидаги Шимолий ўрта таълим мактабининг ўқувчилари

## Устюрт поселкаларида сайғоқ тўғрисида янги ҳужжатли фильм намоиш қилинди

Елена Бикова, SCA, [esipov@xnet.uz](mailto:esipov@xnet.uz)

2011 й. кузда Ўзбекистонда сайғокни сақлаш масалаларига бағишланган «Сўнгги чизик олдида» янги ҳужжатли фильм презентацияси ўтди. Гала-фильм киностудияси томонидан SCA ташаббуси ва Coins for Change Disney Canada, Marsh Christian Trust ва DVV International молиявий кўмагида яратилган фильм Устюрт платосида бир неча юз йиллар давомида ёнма-ён яшаётган сайғоқ ва инсоннинг мустаҳкам алоқаси тўғрисида ҳикоя қилади. Картина Жаслик, Қорақалпоқ ва Кубла-Устюрт поселкалари аҳолисининг фаол кўмаги ва иштирокида яратилди. Муаллифлар Ўзбекистонда давом этаётган ноқонуний сайғоқ овининг сабабларини ёритади, томошабинни бу ҳайвоннинг ноёб яшаш муҳити, биологиясининг ўзига хос хусусиятлари билан таништиради. Мавжуд табиат муҳофазаси қонунчилиги ва ҳўжалик фаолиятини юритиш анъанавий усулларига таянган ҳолда, қирилиб кетиш хавфи остидаги чўл антилопасининг муҳофазасини яхшилаш йўллари намоён бўлмоқда. Картина Ўзбекистон ва Россияда суратга олинди, 4 тилда: ўзбек, қорақалпоқ, рус ва инглиз тилларида чиқди.



А.Худоев сурати

Фильм директори Галина Виноградова ва оператор Александр Клепалов Астрахань вилоятида сьемкада.

Муаллифлар сьемка жараёнига кўмаклашган барчага миннатдорчилик билдиради.

Агар сиз видеофильм нусхаларини олишга қизиқсангиз, марҳамат, бизга қуйидаги манзиллар бўйича мурожаат қилинг [esipov@xnet.uz](mailto:esipov@xnet.uz) ва [mail@saiga-conservation.com](mailto:mail@saiga-conservation.com).

## Матбуотдан

### Урал сайғоқ популяциясини муҳофаза қилиш бўйича икки томонлама келишув имзоланишга тайёрланмоқда

Россия ва Қозоғистон Урал сайғоқ популяциясининг муҳофазаси, кўпайтирилиши ва фойдаланилиши бўйича келишув имзоланиш режалаштирмоқда. Келишув лойиҳаси ишлаб чиқилган ҳамда Қозоғистон Республикаси Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги ва Россия Федерацияси Табиий ресурс ва экология вазирлиги томонидан имзоланишга тайёр.

Келишувда сайғоклар аниқ ҳудудларга келишининг даврийлигини баҳолаш, маршрутлар йўналиши ва узунлигини аниқлаш, ҳайвонлар сонини ҳисобга олиш ва чегара олди туманларда уларнинг кўчишини кузатиш усулини ишлаб чиқиш бўйича биргаликдаги ишлар режалаштирилган. Томонлар кам учрайдиган ҳайвонлар муҳофазаси соҳасида профилактика ва ҳуқуқбузарликка қарши курашиш мақсадида қонунчиликни такомиллаштириш бўйича ҳам таклифлар ишлаб чиқади.

Батафсилроқ

<http://www.newsland.ru/news/detail/id/802756/>,  
<http://eco.ria.ru/nature/20111014/458980750.html> да.

## Иргиз-Тўрғай резерват маъмурий комплекси иш бошлади

2011 й. октябрда Қозоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан Иргиз-Тўрғай давлат табиат резервати янги маъмурий комплексининг қурилиши якунланди. 2007 й. ташкил қилинган Иргиз-Тўрғай резервати республикада бу мақомдаги биринчи чўл АҚТХ(ООПТ) бўлди. У Актюбинск вилоятида жойлашиб, 700 минг гектардан ортиқ майдонни эгаллайди. Резерват ходимларининг штат бўйича сони 99 одамдан иборат. Резерватни ташкил қилишдан асосий мақсад Қозоғистон чўлларининг рамзи бўлган бетпақдала сайғоқлар популяцияси муҳофазаси ва сақланишини таъминлаш ҳисобланади.

Батафсилроқ <http://inform.kz/rus/article/2413477> да.

## Қалмоғистонда сайғоқларни ҳисобга олиш амалга оширилди

Қалмоғистон Республикаси ҳудудида 2011 й. 22 дан 25 октябргача сайғоқларни автомобилда ҳисобга олиш ўтказилди. Ҳисобга олиш якунига кўра, умумий сони 12870 зотни ташкил қилди, бу 2010 й. ҳисобга олиш маълумотларига нисбатан 2-4 минг хайвонга кўпроқ. Ҳисобга олиш ишларини ўтказиш учун идоралараро ҳайъат ташкил қилинди. Ҳисобга олиш ВНИИОЗ (Бугунроссия Ов хўжалиги ва хайвонотчилик ИТИ) Москва филиали ҳамда «Черные земли» кўрикхонаси томонидан ишлаб чиқилган услубий кўрсатмалар асосида ўтказилди.

Ҳисобга олиш бошланишидан аввал кўрикхона ходимлари томонидан республикада сайғоқлар жорий жойлашиш жойлари тўғрисида сўров маълумотлари тўпланди. Ҳисобга олиш ҳудудида шимолдан жанубга бир бирдан 5 км масофада, 40–65 км узунликда 10та параллел ҳисобга олиш маршрутлари белгиланди. Ҳар бир ҳисобга олувчи учраган сайғоқлар сони, учратиш вақти, шу пайтга спидометр бўйича километраж, имкон бўлганда – жинс ва ёшга оид гуруҳ таркиби, топилган сайғоқлар гуруҳидан юриш бошланишидан олдинги маршрутгача бўлган масофа, юриш бошланган вақти, топилган сайғоқлар гуруҳидан топилиш боши ва охиригача бўлган маршрутгача масофани белгилаган. Олинган маълумотлар кейин «Сайғоқ-ҳисоб-китоб» дастури ёрдамида қайта ишланган.

Ҳайъат ҳисобга олиш ишларининг якуни бўйича бир қатор таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқди. Жумладан, Қалмоғистон Республикаси Табиат ресурслари ва атроф муҳит муҳофазаси вазирлигига сайғоқлар муҳофазасини кучайтириш учун икки янги ҳудудий заказник ташкил қилиш тавсия этилди: бири – «Черные земли» кўрикхонаси ва «Меклетинск» федерал заказниги ўртасида, иккинчиси – Артезиан пос. доирасида. Федерал Табиат вазирлиги ва Қалмоғистон Республикаси Табиат вазирлигига биргаликда браконьерликка қарши курашиш отрядини тузиш топширилган.

Батафсилроқ <http://savesteppe.org/ru/archives/7447> да.

## «Сайга тўғрисидаги сага-2» мультифильми Байкал кинофестивалида махсус мукофот олди

2011 й. 7-10 октябрда Иркутск шаҳрида (Россия) 10-чи Юбилей хужжатли, илмий-оммабоп ва ўқув фильмлар «Инсон ва Табиат» Байкал халқаро кинофестивали бўлди. «Болалар учун энг яхши анимацион фильм» номинациясида «Сайга тўғрисидаги сага - 2» мультипликацион фильми ғолиб бўлди.

Мультифильм фестивалъ бош ҳамкори - «МегаФон» компаниясининг махсус мукофоти ва Байкал-Ленск Давлат табиат кўрикхонасининг дипломини ҳам олди. Мультифильмнинг иккинчи серияси «очиқ сценарий» танловига болалар юборган мактаб иншолари асосида олинган.

Қозоғистон режиссер-аниматори Максут Жаримбетов мультипликацияси Ўрта осие чўлининг бугунги ҳаёти ҳақида ҳикоя қилади. Фильмнинг асосий персонажлари — сони йилдан йилга одамлар айби билан камайиб бораётган, қачондир бу ўлкада кўп бўлган сайғоқлар. «Бу картина яратилишида нафақат профессионал режиссер ва сценаристлар, балки болалар ҳам қатнашгани муҳим. Бу жуда ибратли, илиқ ва таъсирли ҳикоя – келажак авлодлар учун насиҳат», – таъкидлади мукофот топшириш вақтида «МегаФон» ОАЖ Иркутск ҳудудий бўлинма директори. Батафсилроқ [http://www.snews.ru/press\\_reliz.php?id=31481](http://www.snews.ru/press_reliz.php?id=31481) да.



Махсут Жаримбетов мукофотлаш маросимида.



## ТНТ Қалмоғистонда сайғоқларни сақлаш бўйича дастурни қўллаб-қувватлашни давом этмоқда



ТНТ Express компаниясининг Россия бўлими 2003 йилдан Қалмоғистон Республикаси Ёввойи хайвонлар маркази «Яшкўл» сайғоқ кўпайтириш питомнигига ёрдам кўрсатмоқда

(Saiga News-3 қар.). 2011 й. октябрда компания директори Харро Ван Граафеланд ташаббусига кўра, Марказга озуқа сотиб олиш, ЕММ, таъмирлаш, вольерларни кенгайтириш ва бошқ. учун 300 минг рубл миқдорда молиявий ёрдам ажратилди. ТНТ ёрдами жуда ўринли бўлди, чунки хайвонларга қараш, озиклантириш ва ҳимоя қилиш бўйича катта ишни талаб қиладиган оғир қишлар даври келди. Ҳозирги вақтда питомникда 76 сайғоқ бўлиб, улардан 26 таси 2011 й. баҳорда туғилган ёш сайғоқлар. Кўп йиллик кўмаги учун Харро Ван Граафеланд миннатдорчилик сифатида Қалмоғистон Ҳукуматининг фахрий ёрлиғи билан мукофотланди. Батафсилроқ «Қалмоғистон Хабарлари»да, 2011 й. 22 октябрь.

## Браконьерлик ва нолегал савдони тўхтатиш ҳолатлари Устюрт популяцияси

2011 й. 19 август

Актюбинск вилояти ҳудудида, қочиб улгурган учта жип кузатилган. Шу жойда шохлари арраланган отилган 4 сайғоқ жасади топилган. Факт ИИБ да қайд қилинган, Тергов олиб борилмоқда. *Батафсилроқ* <http://kt.kz/?lang=rus&uin=1133167994&chapter=1153543930> да.

2011 й. 28 август

Ўзбекистондаги Тошкент вилоятининг Ёишт-Кўприк божхонасида Ўзбекистон Фарғона водийси яшовчиси томонидан қўшни Қозоғистондан олиб келинган катта сайғоқнинг бир жуфт шохи ва маралнинг битта тоқ шохи мусодара қилинган эди. Ҳозирги вақтда ушбу иш бўйича текшириш олиб борилмоқда.

2011 й. 27 декабрь

ЎЗР Давтабқўмитаси Давбионазорат Махсуслашган Амударё инспекцияси (МАИ) Давинспекторлари Қорақалпоғистон Республикаси Мўйноқ районидан сайғоқ браконьерларини тутди. Ов учун браконьерлар 2 мотоцикл ва УАЗ-469 автомобилдан фойдаланган. Ашёвий далил сифатида ёш урғочи сайғоқнинг нимталланган гўшти олиб кўйилди. Тутиш вақтида браконьерлар – Муйноқликлар қаршилик кўрсатди. Ушбу бузилиш бўйича материаллар Орол табиатни муҳофаза қилиш прокуратурасига топширилган, тергов ишлари ўтказилмоқда. Машина ва 2 милтиқ олиб кўйилган ва Мўйноқ район РИИБ да.

Шу куннинг ўзида Самарқанд ш. вокзалида 67 жуфт сайғоқ шохини олиб ўтмоқчи бўлган Ўзбекистон фуқароси қўлга олинган.

Нолегал юк транспорт прокуратураси томонидан қўлга олинган ва идентификация учун хайвонот ва ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш инспекциясига юборилган. Иш тергов учун Самарқанд транспорт прокуратурасига юборилган.



ЎЗР Давтабқўмитаси сурати

Самарқандда мусодара қилинган сайғоқ шохлари.

## Бетнакдала популяцияси

2011 й. 25 сентябрь

Икки браконьер Актюбинск области Иргиз районидан РИИБ ва «Охотзоопром» ходимлари томонидан тутилган. Тутилганларда икки жуфт сайғоқ шохи ва ов милтиғи топилган. Қўлга олиш жойи яқинида шохи арраланган икки сайғоқ жасади топилган. Ушбу факт бўйича ҚР ЖК «Ноқонуний ов» 288 моддаси бўйича жиноий иш қўзғатиш ва уларнинг олдини олиш чораларини танлаш масаласи ҳал қилинмоқда. *Батафсилроқ* <http://www.newskaz.ru/incidents/20110929/1950792.html> да.

2011 й. 20 октябрь

Рейд чоралари борасида табиатни муҳофаза қилиш полицияси ходимлари ноқонуний сайғоқ отиш билан шуғулланаётган браконьерларни қўлга олди. Улар Сирдарё тумани Теренозек поселка яшовчилари экан, уларда полициячилар бешта сайғоқ жасади ва патронлар топди. ҚР ЖК «Ноқонуний ов» 288 моддаси бўйича жиноий иш қўзғатиш масаласи ҳал қилинмоқда. *Батафсилроқ* [http://www.kazakhstan.kz/index.php?option=com\\_content&view=article&id=46398:2011-10-20-05-13-10&catid=14&Itemid=80](http://www.kazakhstan.kz/index.php?option=com_content&view=article&id=46398:2011-10-20-05-13-10&catid=14&Itemid=80) да.

2011 й. 17 ноябрь

Навбатдаги браконьерлик факти Қозоғистоннинг Қизилўрда областида аниқланди. Табиатни муҳофаза қилиш полицияси ходимлари «Охотзоопром» инспекторлари билан биргаликда Қизилўрда ва Қарағанда областлари чегарасида ноқонуний сайғоқ ови билан шуғулланаётган икки 31 ва 38 ёшли Қарағанда области яшовчиларини қўлга олди. Уларнинг автомобилида сайғоқ жасади ва ов милтиғи патронлар билан топилди. Браконьерларга қарши ҚР ЖК «Ноқонуний ов» 288 моддаси бўйича жиноий иш қўзғатилди. *Батафсилроқ* <http://today.kz/ru/news/incident/2011-11-17/54344> да.

## 2011 й. 29 декабрь

Актюбинск области Иргиз РИИБ ходимлари Иргиз райони Бестобеда сайгоқларга ов қилаётган Қизилўрда области Саксовул станциясида яшовчи икки браконьерни қўлга туширди. «Тойота Ланд Крузер» автомашина салоида полициячилар рўйхатдан ўтмаган қўшоғиз ов милтигини топди ва олиб қўйди. Шунингдек тугилганлар автомашинаси юрган йўлда шохи кесилган 5 сайгоқ жасади топилди. Ушбу факт бўйича Иргиз РИИБ ҚР ЖК «Ноқонуний ов» 288 моддаси бўйича жиноий иш қўзғатди.

Батафсилроқ <http://inform.kz/rus/article/2429757> да.

## 2011 й. 6 январь

Рейд чоралари борасида табиатни муҳофаза қилиш полицияси ходимлари «Охотзоопром» инспекторлари билан биргаликда Қизилўрдадан 120 километрда «Тойота Ланд Крузер» маркасидаги автомобилни тўхтатди. Машина багажнигида полициячилар учта отилган сайгоқ жасадини, автомобиль салоида - ов милтиги ва патронларни топди. Сайгоқни ноқонуний овлаш билан тўртта Қизилўрда яшовчиси ва битта Шиелийск районида туғилган киши шуғулланган. Қизилўрда области ДВД тергов бошқармаси томонидан ҚР ЖК «Ноқонуний ов» 288 моддаси бўйича жиноий иш қўзғатилди.

Батафсилроқ

<http://inform.kz/rus/article/2431127> да.

## 2011 йил охири- 2012 йил боши.

Иккита операция борасида Қозоғистоннинг Қизилўрда областида бешта собиқ полициячи сайгоқ отгани учун қўлга олинган. 2011 й. 30 декабрда Қозоғистон Қизилўрда областининг Кармакшин райони чўллариди, табиатни муҳофаза қилиш полициячилари иккита шубҳали машинани тўхтатди. Уларда учта фуқаро бўлиб, биттаси Жалағашск РИИБ бошлиғининг собиқ ўринбосари бўлган. Автомобиль текширилганда багажнигида 26 отилган сайгоқ жасади топилган. 2012 й. 14 январда Сирдарё РИИБ ходимлари Қумқўл конида багажнигида 32 сайгоқ жасади топилган автомашинани тўхтатган. Автомобилда икки Қизилўрда яшовчиси бўлган – биринчиси ИИБдан 2006 йилда, иккинчиси эса – в 2010 йилда ишдан бўшатилган. Ушбу факт бўйича жиноий иш қўзғатилган.

Батафсилроқ <http://www.caravan.kz/article/40313>, <http://inform.kz/rus/article/2434028> да.

## **Россия-Қозоғистон чегараси**

### 2011 й. ноябрь-декабрь

2011 й. охирида бир ҳафта давомида Атираус полициячилари ва чегарачилари Россиядан Қозоғистон худудига контрабанда йўли билан сайгоқ шохини олиб ўтиш учта ҳолатининг олдини олди. Қозоғистон терговчилари россиялик ҳамкасблари билан биргаликда сайгоқ шохлари контрабандаси фактларининг кўпайишини тергов қилишни режалаштирмоқда, чунки шохларнинг келиб чиқишини аниқлаш муҳим. Жиноий гуруҳ Астрахань области худудиди ҳаракат қилаётгани эҳтимолдан холи эмас.

28 ноябрда Қозоғистоннинг Курмангазин райони «Шеп» назорат-ўтказиш пунктида полиция ходимлари 93 сайгоқ шохи бўлган сумкани олиб ўтишга уринган, Астраханлик бошқараётган, Россия рақамига эга,

«Тойота» автомобилни тўхтатган. Ҳайдовчининг айтишича, шохлар солинган сумка автомашина пассажири – Жанубий-Қозоғистон области яшовчисига тегишли.

30 ноябрда чегарачилар ва Курмангазин РИИБ ходимлари Байда кишлоғи атрофида давлат чегарасини кесиб ўтаётганда «ВАЗ-21012» автомашинасини тўхтатган. Пассажир - 51-ёшли Жанубий-Қозоғистон области яшовчиси 177 сайгоқ шохини олиб ўтишга уринган.

Сайгоқ шохларини «Шеп» НЎП орқали контрабанда йўли билан олиб киришнинг яна бир факти 2011 й. 1 декабрда қайд қилинган. Полиция ходимлари Астрахань области яшовчиси бошқараётган автомашинани тўхтатган. Машинада полициячилар республика жанубида яшайдиган 20-ёшли қозоғистонликка тегишли бўлган 46 сайгоқ шохлари бўлган сумкани топган. Мусодара қилиш баённомасини расмийлаштиришдан қочишга уриниб, бу фуқаро полициячиларга 5000 тенге ва 1000 рубл микдориди пора беришга уринган. Ушбу фактлар бўйича ҚР ЖК 183 моддаси бўйича жиноий ишлар қўзғатилган. Бундан ташқари, «Контрабанда» моддаси бўйича жиноий ишлар қўзғатиш масаласи хал қилинмоқда. Қўлга олинганлардан охиригиси пора беришга уринганликда ҳам айбланмоқда.

Батафсилроқ <http://inform.kz/rus/article/2423696>, <http://www.volgograd.kp.ru/online/news/1029132/>, <http://caspionews.kz/?p=8476> да ва бошқ.

## **Хитой**

### 2011 й. 1 октябрь

Маньчжурск божхонаси ходимлари Россиядан олтига сайгоқ шохини ноқонуний олиб киришга уринган ХХР фуқаросини қўлга олган. Хитой фуқаросининг юки текширилган инспекцион-текшириш комплексида божхона ходими унинг чамадониди конус шаклидаги шубҳали нарса борлигига эътибор берган. Ҳозирги вақтда иш Маньчжурск божхонасининг контрабандага қарши курашиш бошқармаси томонидан қўрилмоқда.

Батафсилроқ <http://www.chita.ru/news/33468/> ва [http://legal.gmw.cn/2011-10/01/content\\_2728912.htm](http://legal.gmw.cn/2011-10/01/content_2728912.htm) да.



Қизил Ҳоро ДВД матбуот хизмати сурати



Фото: АСБК

**Ўлдирилган сайгоқ жасади, Қизилўрда области Қозоғистон (чапда). «Эски сайгоқ шохларини сотиб оламан» - бундай эълонлар 2011 й. ёзда Актау кўчаларини босиб кетди (ўнгда)**



# Мақолалар

## Мўғулистонда кўчиб юрвчи ер усти сут эмизувчиларга инфратузим таъсирининг таҳлили

Лхагвасурен Б., Чимеддорж Б., Санджмьятав Д.

WWF-Мўғулистон, [lkhagvasuren@wwf.pan](mailto:lkhagvasuren@wwf.pan)  
[da.org](mailto:lkhagvasuren@wwf.panda.org), [chimeddorj@wwf.panda.or](mailto:chimeddorj@wwf.panda.or)

Сайёрада кўпгина ҳайвонларнинг улар йилнинг икким ойи озуқа базасининг мавсумий ўзгаришлари билан боғлиқ бўлган фақат маълум бир вақтида борадиган яшаш жойлари бор. Биологик цикли узок масофаларга кўчиб ўтишни қамраб олган ҳайвонлар яшаш жойларини парчаланишига ва уларнинг ҳаракатланиш йўлларида одам кўтарган тўсиқларга анча таъсирланувчан бўлиши мумкин. Темир йўл, автотрасса ва газопровод каби узун қурилмалар ёввойи ҳайвонларнинг кўчиши ва омон қолишига жиддий таъсир кўрсатиши мумкин. Ёввойи ҳайвонларнинг кўчиб юрвчи турларини сақлаб қолишга доир Конвенция (CMS) миграция йўлларидаги тўсиқлар кўчиб юрвчи ҳайвонларни сақлашнинг муҳим муаммоси бўлишини белгилади. Марказий Осиё ва хусусан Мўғулистонда сўнгги йилларда режалаштирилган ва амалга оширилаётган (темир йўллар, бурғилаш қурилмалари, газопровод, чегара тўсиқлари, автомобил йўллари ва бошқ. қуриш) йирик инфратузилма лойиҳаларининг сони кескин ошди.


Режалаштирилаётган ва амалга оширилаётган инфратузилма лойиҳаларининг (масалан, Мўғулистон ҳукуматининг йўллар қурилиши бўйича Millennium лойиҳаси, йўлларни яхшилаш бўйича Осиё Ривожланиш Банкнинг лойиҳалари ва бошқ.) кўп миқдорини эътиборга олиб, кўчиб юрвчи ҳайвонларга улар таъсирининг оқибатларини ҳар томонлама баҳолаш зарур. Яшаш жой ва миграция йўллари билан бутунлигини сақлаб қолиш учун, бу маълумотни тегишли сиёсий жараёнларга ҳам киритиш зарур.

ЮНЕП/CMS WWF-Мўғулистон билан ҳамкорликда Мўғулистон мисолида кўчиб юрвчи сут эмизувчиларга чизиқли инфратузилмалар таъсирининг таҳлилини ўтказди. Мўғулистонда қисмлари жайрон (*Gazella subgutturosa*), дзерен (*Procapra gutturosa*), қулон (*Equus hemionus*) ва мўғул сайғоғи (*Saiga borealis*) каби, CMS иловаларига киритилган, тўёқлилар асосий кўчиб юрвчи турларининг муҳим яшаш жойлар ва миграция йўллари таъсир кўрсатадиган замонавий инфратузилма ривожланиш таъсирининг даражасини аниқлашнинг шошилини зарурияти туғилди. Бундай баҳолашнинг мақсади ушбу турлар учун салбий оқибатларни камайтириш учун тавсия ва тегишли чораларни ишлаб чиқиш.


Режалаштирилаётган автомобил ва темир йўллар бу турлар учун ўта муҳим яшаш

жойларини кесиб ўтади ва агарда юмшатиш чоралари қўрилмаса, улар миграция йўлларида асосий тўсиқ бўлиб қолиши мумкин. Режалаштирилган темир йўл қурилгандан сўнг 2025 йилда мўғул дзерени популяцияси темир йўл ва йўл тўсиқлари билан бир бирдан ажралган тўққизта алоҳида қисмга парчаланиб кетади, қулон ва жайроннинг популяциялари тегишлича беш ва еттита қисмга бўлинади. Мўғул сайғоғининг популяцияси иккита алоҳида популяцияга бўлинади.

Йўллардаги қизғин ҳаракат ва узун тўсиқлар йирик ёввойи ўтхўрларни муҳим ресурсларга боришига ҳалақит беради ёки уларга етишиш учун қатта айланма йўл билан боришга мажбурлайди.



1-расм. Мўғулистонда стратегик муҳим қонларнинг жойлашиши.



2-расм.

Мўғулистонда кўчиб юрвчи тўёқлиларнинг яшаш жойларидан ўтадиган мавжуд бўлган ва режалаштирилаётган темир йўллар, популяцияларни кичкина ажралган группировкаларга бўлади.

Миграция йўлларидаги тўсиқлар ва яшаш жойларининг парчаланиши йирик ёввойи ўтхўрларнинг қулайроқ яшаш жойларига ўтиб қурғоқчилик ва қаҳратон кишларга чап бериш қобилиятини пасайтиради. Бундай имкониятнинг йўқлиги турлараро ва тур ичидаги рақобатчиликнинг кучайишига, бу эса ўз навбатида ҳайвонлар ҳолатининг ёмонлашиши, ёмон тикланиши ва ўлим сонининг кўпайишига олиб келади.

### **Оқибатларни камайтиришга қаратилган чоралар ва тавсиялар**

Тадқиқотлар Мўғулистонда йўл инфратузилма қурилишининг энг катта таъсирига дзерен, жайрон ва қулон дучор бўлганини кўрсатди. Ҳозирги вақтда, 2025 йилга қопламали йўл ва темир йўллари қуриш бўйича режалар кун тартибда турган бўлса ҳам, мўғул сайёғининг популяцияси йўл коммуникацияларининг қурилишидан ҳозирча зарар кўрмади. Мўғулистонда фойдали қазилмаларни қазиб олиш ва инфратузилманинг қурилишига жалб этилган ҳукумат ва ноҳукумат ташкилотлар, миллий ва халқаро тузилмаларга Мўғулистон замонавий тарихидан жой олган хатолар ва ривожланиш жараёнининг ёмон бошқаруви такрорланмаслиги учун қурилиш ва лойиҳаларни ишлаб

чиқишда табиатни муҳофаза қилиш муаммоларини ҳисобга олиш тавсия этилди.

Регионда батафсил баҳолашни ўтказиш ва биохилма-хилликнинг мониторинги бўйича узоқ муддатли дастур ишлаб чиқиш ва жорий этиш зарур. Атроф муҳитга бўлган таъсирнинг баҳолашни ҳар қандай ривожланиш лойиҳалари учун устун бўлиши керак, у ёввойи ҳайвонлар силжишининг мониторинги, ўта муҳим яшаш жойлари ва пойлаб туриш маконларини аниқлашдан иборат. Потенциал салбий таъсирни юмшатиш учун биохилма-хилликка етказилган зарар ўрнини тўлдириш схемаси ишлаб чиқилиши керак.

Салбий оқибатларни юмшатиш бўйича қўлланма ишлаб чиқиш зарур, масалан ҳайвонлар миграциясининг энг муҳим участкаларида ер ости ва ер усти ўтиш йўллари қурилиши. Агарда тўсиқлар зарур бўлса, ёввойи ҳайвонлар темир йўлни кўпроқ кесиб ўтадиган жойларда ўтиш жойларини қолдириш ва одам ҳамда уй ҳайвонларининг юқори зичлиги бўлган жойларда тўсиқлар қўйиш керак. Агарда тўсиқ қурилиб бўлган бўлса, унинг юқори ва пастки қисмларида тикансим қўллаш мумкин эмас.

*Натижалари бўйича ушбу мақола тайёрланган тўлиқ ҳисобот қуйида жойлашган:*

[http://www.cms.int/bodies/ScC/17th\\_scientific\\_council/Inf\\_23\\_Migration\\_Barriers\\_WWF\\_Mongolia\\_E.pdf](http://www.cms.int/bodies/ScC/17th_scientific_council/Inf_23_Migration_Barriers_WWF_Mongolia_E.pdf)

**Таҳририятдан:** Уилсон, Ридерларнинг (Wilson and Reeder, 2005) таърифига мувофиқ CMS ва СИТЕС II-иловасида сайёғнинг таксономик мақоми аниқланди. Ҳозирги вақтда расмий ҳужжатларда иккита тур эса олинади: *S.t.tatarica* кенжа тури ўрнига *Saiga tatarica* ва *S.t.mongolica* кенжа тури ўрнига *Saiga borealis*. Бироқ, ушбу масала аниқлик қиритишни талаб этади. Ушбу мавзунини *Saiga News* кейинги сониди муҳокама қилишни режалаштирдик.



Сим тўсиқда тутилиб қолган дзерен.

## **Озиқланиш хусусиятлари ҳамда уй ҳайвонлари ва сайёғ ўртасидаги озуқа рақобати**

Бувейбаттар Б., Гунбат Г., Фуллер Т.К.

Муаллиф-муҳбир: Баярбаттар Бувейбаттар, Атроф муҳитни муҳофаза қилиш департаменти, Массачусетс Университети, Амхерст, АҚШ; Ёввойи табиатни муҳофаза қилиш жамияти, Мўғул дастури, Улан-Батор, Мўғулистон, [bbayarba@eco.umass.edu](mailto:bbayarba@eco.umass.edu)

Бутун дунёда экотизимларга уй ҳайвонлари таъсирининг оқибатлари билан боғлиқ ташвиш ортиб, баъзида бу озуқа ва сув рақобати билан боғлиқ ёввойи туёқлилар популяцияларига салбий таъсир кўрсатади. Бу айниқса, ерлар узоқ вақт давомида мол боқиш учун ишлатилган, бироқ шунингдек дзерен (*Procapra gutturosa*), қулон (*Equus hemionus*), архар (*Ovis ammon*) ва мўғул сайёғи (*Saiga borealis*) каби ёввойи туёқлиларнинг яшаш бўлган, Мўғулистонга тегишлидир. Сони 5000-7000 зотдан иборат сайёғ популяцияси Гоби саҳросининг ғарбида яшайди. Қучайтирилган муҳофаза туфайли, сайёғ деярли хавфсизликда бўлса ҳам, Мўғулистонда ҳаддан ташқари ўтлатиш уларга жиддий хавф солади.


1990-йй. Молнинг приватизациясидан сўнг, унинг сони тезда кўпайди, уй ҳайвонлари ва сайёғ биомассасининг ўзаро нисбати эса текширилаётган районда ҳозирги вақтда 50:1 ни ташкил этади. Моллар сонининг яқиндаги ўсиши ем-хашак ёки унга бўлган рақобат туфайли, яшаш жойларининг сайёғни барқарор яшашини сақлаб туриш қобилиятини пасайтирди. Чорвачилик Мўғулистон иқтисодиётининг муҳим соҳаларидан бўлгани сабабли, экотизим, жумладан сайёғ учун ҳам салбий таъсирни минималлаштириш учун, уй ҳайвонларини оқилона бошқариш йўли билан ўтлоқлардан барқарор фойдаланишни йўлга қўйиш зарур. Бу ем-хашак участкалари ва сайёғ ҳамда уй ҳайвонлари орасида озуқа рақобатини биринчи ўрганиш.



Биз сайғоқ ва уй ҳайвонлари орасида ем-хашак учун озуқа рақобати муаммоларини Ғарбий Мўғулистонда жойлашган Шарга табиат резерватида ўргандик (1-расм). Сайғоқ ва уй ҳайвонлари (эчки, қўй, от ва туялар)нинг янги гўнги намуналарида ўсимликлар қолдиқларининг таркиби анализ қилинди. Ўсимликларни аниқлашни осонлаштириш учун тегишли хашаки ўсимликларнинг баргли намуналари тайёрлаб кўйилди. Гўнг анализи рақамли микроскоп ёрдамида амалга оширилди. Ўсимликлар таркибида ёпиш даражаси Пианки ёпиш индекси (ЁИ) (индекс перекрытия Пианки) ёрдамида ҳисобланди. Ноль (0) ёпишнинг йўқлигини билдиради, бир эса (1) – тўлиқ ёпишни.

2010 й. ёзда 35 урғочидан янги туғилган 36 сайғоқча (1-3 кунли) тутиб олинди ва омон қолиш, кўчиб юриш ва яшаш жойини танлаш масалаларини ўрганиш мақсадида VHF радиопередатчикли 70-граммли эластик бўйинбоғлар билан таъминланди (2-расм). Ҳайвонлар билан ишлаш усуллари Массачусетс Университети (Амхерст ш.) қошидаги Ҳайвонлар билан муомала қилиш ва улардан фойдаланиш бўйича қўмита томонидан маъқулланди. Радио-бўйинбоғлар тақилган сайғоқчаларнинг мониторинги ҳафтада 3-4 марта телеметрия усули билан ўтказилди. 2010 й. 10 июндан 20 августгача яшаш жойини танлашни ўрганиш мақсадида, Шарга табиий резервати ҳудудида ва унинг ташқарисида, сайғоқчалар белгиланган, 105та майдонча ажратилди (1-расм). Ҳар бир майдонча майдони 1 м<sup>2</sup> (n=525) бўлган 5 квадратга бўлинди ва уларда ўсимликлар ўрганилди. Майдончаларда рўйхатга олинган ўсимликнинг ҳар бир тури учун учраш частотаси ва фоизи ҳисоблаб чиқилди. Ҳаммаси бўлиб ўсимликларнинг 25 тури белгиланди, улардан буталарнинг 5 тури, бта ўтсимон ўсимликлар ва пичанбоп ўтларнинг 14 тури. Пиёзлар (*Allium polyrrhizum* ва *A. mongolicum*) кўпроқ учраган (525 майдончадан 432тасида). Бешта энг кўп тарқалган (>40%) турларнинг орасида учтаси пичанбоп ўтларга (*Anabasis brevifolia*, *Allium polyrrhizum* и *A. mongolicum*), 1 тур – ўтсимон ўсимликлар (*Stipa gobica*) ва 1 тур – буталарга (*Artemisia sp.*) мансуб эди.

Туялар гўнгининг таркиби бошқа туёқлиларникидан фарқ қилди (1-жадвал). Туялар асосан, рационда 49% ташкил этадиган, бутали ўсимликлар билан озикланади, холбуки сайғоқ, эчки ва қўйларда гўнг таркибида



1-расм. Ғарбий Мўғулистонда текширувлар райони ва ўсимлик намуналари олинган нукталар харитаси.

1-жадвал. Ғарбий Мўғулистонда Пианки ёпиш индекслари.

тур	сайғоқ	қўй	эчки	от	туя
сайғоқ	--				
қўй	0.96	--			
эчки	0.95	0.98	--		
от	0.88	0.92	0.96	--	
туя	0.73	0.78	0.71	0.78	--

пиёзларнинг фоизи бошқа ўсимликларнинг фоизига нисбатан кўпроқ бўлган (19-27%). Отлар гўнгида ковил *Stipa gobica* устунлик қилган (32%). *Anabasis brevifolia* учраши бўйича *Allium spp.* ва *Stipa gobica* дан кейин учинчи тур бўлса ҳам, у фақат сайғоқ ва туяларнинг гўнгида аниқланди – мос равишда 10 ва 12%. Шаргин Гобида (Гоби-Олтой аймағи) мўғул сайғоғи (ЁИ = 0.96) ва эчкиларнинг (ЁИ = 0.95) ем-хашак участкалари ўхшаш бўлиб, бироқ от (ЁИ = 0.88) ва туяларнинг (ЁИ = 0.73; 1-жадвал) ем-хашак участкаларидан фарқланган.

Ем-хашак базасида энг кам ёпилиш эчки ва туяларда белгиланди (ЁИ = 0.71), холбуки энг катта ЁИ эчки ва қўйлар ўртасида белгиланди (ЁИ = 0.98; 1-жадв.).

Ўрганиш натижалари сайғоқлар *Allium spp.* Ва *Anabasis brevifolia* каби юқори сифатли ўсимликлар



Ғарбий Мўғулистонда ўтлаётган сайғоқлар подалари.

билан озикланишни афзал кўради, гарчи ўрганилаётган ҳудудда мамлакатнинг бошқа қисмларига нисбатан ўсимликнинг ейишга онсонлиги ва унинг хилма-хиллиги катта эмас. Кейин, мўғул сайғоғи ем-хашак участкаларининг хусусиятлари қўй ва эчкиларники билан ўхшаш бўлиб, от ва туяларникидан фарк қилган, бу озук рақобати сайғоқ ва уй ҳайвонларининг баъзи бир турлари орасида чекланган давр ичида жуда юқорилигини кўрсатади. Шу каби Ўрта-Гоби ва Шарқий-Гоби аймақларида дзерен ва архарнинг озикланиши бўйича ўрганишлар ёввойи ҳайвонлар ва уй ҳайвонлари, хусусан эчки ва қўйлар орасида потенциал рақобат муносабатлари борлигини кўрсатди. Шундай қилиб, ўтловларни бошқариш ва йўқолиш арафасида турган сайғоқни сақлаш нуктаи назаридан кузда сайғоқнинг муҳим яшаш жойларида эчки ва қўйларни ўтлатмаслик керак; бу рақобатни камайтиришда жиддий роль ўйнайди ва сайғоқ қаттиқ қишлардан чиқиши учун, ем-хашак ресурсларининг етарли ҳажмини кафолатлайди.



Г. Гунбат сурати

Сайғоқларни рўхатга олиш жойларида ўсимликларни ўрганиш

**Таҳририятдан:** Г.Гунбат тадқиқотлари SCA Кичик грантлар дастурининг молиявий қўмағида, Б.Бувейбатарнинг иши эса - WCN стипендияси ёрдамида амалга оширилди.

## Сайғоқ миграциясининг кейинги тадқиқот истиқболлари

Кевена С.Н.

Лондон Империял коллеж, [samuel.cavenagh08@imperial.ac.uk](mailto:samuel.cavenagh08@imperial.ac.uk)

Ҳайвонлар миграциясини ўрганиш ҳозирги вақтда трансформация босқичидадир, бу сайғоқ миграциясини ўрганишга дахлдор. Ҳайвоннинг жойлашишини аниқлаш учун GPS билан таъминланган йўлдошли бўйинбоғлар каби сўнгги технология илмий ишлар олимларга ҳайвонларнинг катта гуруҳлари эмас, балки алоҳида зотларининг миграциясини ўрганишда олдинга силжишга ёрдам берди. Масалан, илгари сайғоқлар миграциясининг сабаблари сайғоқларнинг катта гуруҳлари ва турли ҳудудларда ўсимликларнинг баланд ёки паст маҳсулдорлиги орасидаги боғлиқликни излаш асосида ўрганилган. Сайғоқлар GPS йўлдошли бўйинбоғлар билан таъминланганидан бери (*Saiga News-10, 12* кўр.) алоҳида ҳайвонлар билан ишлашга имкон туғилди, бу ушбу ҳайвонлар у ёки бу маршрутни қандай ва нима учун танлаганини текшириш йўли билан миграция йўллари аниқроқ прогнозлаштиришга имкон беради.

Ҳозирги вақтда миграцияларни ўрганишда турли фанлардан иборат бўлган янада интегралланган ёндашув қўлланилмоқда. Энди тадқиқотлар генетика, организмдаги жараёнлар ва ташқи омиллар, улар орасидаги муносабат ва улар ҳайвоннинг маршрутни танлашига қандай таъсир кўрсатиши каби омилларни ҳисобга олади.



1-расм.

Натан таклиф қилган организмларни кўчиб юришини ўрганиш схемаси (Nathan *et al* 2008). Ички ҳолат (кўчиб юриш сабаби), навигация қобилияти (кўчиб юриш йўналиши), кўчиб юриш қобилияти (кўчиб юриш характери) ва организмни кўчиб юриш маршрутига таъсир этувчи ташқи омиллар ва уларнинг ўзаро таъсир кўрсатиши.




Натан тайёрлаган схемада (Nathan *et al.* 2008) миграцияни ўрганишнинг янги фанлараро концепцияси кўрсатилган (1-расм).

Ушбу янги концепцияга мувофиқ, миграцияни ўрганиш фақат ҳайвоннинг жойлашиши тўғрисида эмас, балки унинг феъл-атвори, жисмоний параметрлари (тана массаси каби), экологик ўзгарувчан катталар ва кўпгина бошқа омиллар тўғрисида ҳам маълумотларни талаб этади. Ушбу услубият миграция маршрутнинг танланиши ҳайвоннинг ўзи билан, масалан унинг атроф-муҳитни қабул қилиши билан боғлиқ бўлган омиллар билан аниқланиши тўғрисидаги ёндашувга “пастан тепага” асосланади.

Вақт ва фазода ўсиши бўйича ҳайвоннинг кўчиб юришини таърифлаш мумкин бўлган доирада учта шкала мавжуд: бу бутун яшаш циклида ва унинг алоҳида фазалари вақтида кўчиб юришлар, ҳамда хусусан кўчиб юришнинг ўзи (қадамлар) (2-расм). Қадам бу – GPS ёрдамида олинган, энг аниқ маълумот бўлган ва уларнинг асосида кўчиб юришларнинг таҳлили қилиниши мумкин бўлган, ҳайвоннинг жойлашиши тўғрисидаги маълумотнинг иккита кетма-кет бирлиги. Кўчиб юриш фазаси маълум бир мақсад (масалан, йирткичдан холос бўлиш ёки ўтлоққа етиб олиш)га эришишга қаратилган ҳаракатнинг қандайдир турини ифодаладиган қадамлар қаторидан иборат. Кўчиб юриш фазаси тўғрисида тушунчанинг ишлатилиши анъанавий кузатиш усуллари алоҳида зотларни кузатиш янги усуллари билан боғлаш учун жуда муҳимлиги тан олинган.

Таҳлилнинг “Тармоқ квадратлари бўйича кўчиб юриш” (NSD) каби янги усули масофа, вақт ва юриш давомийлигининг фарқларини ўрганиш йўли билан кўчиб юришнинг турли фазаларини аниқлаш учун қўлланиши мумкин.

Миграцияларни ўрганиш янги услубияти сайғокни ўрганишда кўп имкониятларни очади. Масалан, сайғокнинг алоҳида зотлари қай даражада миграция вақтидаги ҳаракатларини ўзгартириши мумкин? Бу саволнинг жавоби сайғокни иқлим ва атроф-муҳитнинг ўзгаришларига мослашиш қобилиятини ўрганиш учун катта аҳамиятга эга, бу демак, унинг муҳофазаси бўйича чора-тадбирларни режалаштиришда ҳам аҳамиятга эга бўлади. Алоҳида зотларнинг кўчишларини атроф муҳитнинг ўзгаришига мослаштириш қобилияти кўпроқ миграция механизми билан боғлиқ. Масалан, ҳайвонлар ўзининг (масалан, генетик) хотирасига ишонадими, ёки атроф муҳитнинг сигналларига тўғридан тўғри жавоб бериб, қайси йўл билан кўчиб юришни ҳал қиладими? Сайғокларда миграция қобилияти деярли шубҳасиз генетик даражада мавжуд. Туткиликда ўстирилган сайғокчалар миграцияга кучли импульсни намоён этади. Бироқ, миграциянинг йўналиши генетик даражада мавжудми йўқми, аниқ эмас. Йўлдошли бўйинбоғлардан фойдаланиб алоҳида сайғокларнинг бир неча йил давомида миграция маршрути бўйлаб боришини ўрганиш бу саволга жавоб беришга ёрдам беради. Агарда сайғоклар бир неча йил давомида турли миграция йўллари бўйлаб юргани аниқланса, миграция йўналишининг назоратида генетика ёки хотиранинг роли катта эмас деб тахмин қилса бўлади, ва бунинг ўрнига сайғоклар миграция йўллари танлашда атроф муҳитнинг сигналларидан фойдаланади деган хулоса чиқарса бўлади.



2-расм.

Алоҳида сайғок зотлари кўчиб юришининг гипотетик йиллик маршрутлари (1. биринчи йил давомидаги маршрут; 2. иккинчи йил дав. маршрут; 3. учинчи йилдаги маршрут). Расм ўртасида кўчиб юриш (озиқланиш фазаси) фазаси кўрсатилган. Тепадаги расмда кўчиб юриш фазасидаги кўчиб юришлар аниқ шкаласи (кўчиб юриш қадами) кўрсатилган. F – озиқланиш фазаси, M - миграция фазаси, C – қўзилаш фазаси.

Сайғокнинг турли зотларида миграция характерининг ўзгарувчанлик даражаси ҳозирги кунда маълум эмас. Бошқа турларда, масалан буғуларда жинси, ёши ва устулиги (доминантлиги) каби омиллар кўчиб юришнинг характерига таъсир кўрсатади. NSD усули ёрдамида таҳлил қилинган GPS маълумотларини сайғок популяциясида ҳам шундай вариацияларни ўрганишда қўллаш мумкин. Бундай таҳлилнинг ўтказилиши муҳофаза учун муҳим, чунки фақат популяция даражасида кўчиб юришларнинг ўрганилиши маълум бир гуруҳ (масалан, эркалари) фойдаланадиган, кўрикланадиган ҳудуддан ташқаридаги участкани кўрсатиши мумкин.

Индивидуал фарқларини ҳисобга олиб кўчиб юришларни моделлаш, иқлим ва атроф муҳитни бошқа ўзгаришларининг шароитида сайғокнинг кўчиб юриш характерини аниқроқ моделини олишда қўлланиши мумкин. Шу каби таҳлилда экологик прогнозлар қўлланилади (МГЭИК – Иқлимнинг ўзгариши бўйича ҳукуматлараро экспертлар гуруҳи тақдим этадиганларига ўхшаш). Алоҳида зотларнинг кўчиб юриш моделини кейинчалик атроф муҳитнинг муҳофазасини ва олинган натижалар асосида ҳудудий муҳофазани режалаштиришда ишлатилиши мумкин.

# Ўзбекистонда сайғоқ мониторингининг потенциал усулларини баҳолаш

Оффорд С.

Лондон Империял Коллежи, [suzanne.offord10@imperial.ac.uk](mailto:suzanne.offord10@imperial.ac.uk)

CMS сайғоқни сақлаш бўйича Ўрта муддатли халқаро дастурида биринчи ўринда Устюрт платосида сайғоқларнинг мавсумий тарқалиши тўғрисида таянч маълумот олиш туради. Бироқ, сўнгги йилларда сайғоқ мониторинги Ўзбекистонда бир қатор сабабларга кўра анча чекланган эди. Мониторингнинг ўтказилиши киммат тадбир бўлганлиги сабабли, унинг энг самарали ва аниқ усул ёрдамида ўтказилишини таъминлаш жуда муҳим. Бироқ, дастлабки синовсиз қайси усул самаралироқ бўлишини олдиндан билиш қийин. 2011 й. июнь ойида мен ўзбек шериклар билан усулнинг синаб кўриш босқичида маблағ сарфланишидан олдин, сайғоқни кузатиш учун қўлласса бўладиган мониторингнинг потенциал усулларини баҳолаш бўйича ишни бажардим. Мен дунёда қўлланиладиган туёқли хайвонлар мониторинги усули ва сайғоқ популяцияларини кузатишда қўлланиладиган



А.Есипов сурати

Сьюзен Оффорд ва SCA командаси чўпонлар мазлида, Устюрт. 2011 й. июнь.

(ҳам ҳозирги, ҳам ўтмишда қўлланилган) усулларни ўрганиб чиқдим. Шунингдек жойлардаги ресурслар, шароитлар, чекловлар ва потенциал ўрганишлар тўғрисида маълумотлар тўпланди. Кейин ҳар бир усулнинг қиймати ва олинадиган маълумотларнинг аниқлиги баҳоланди.

Тадқиқотда қуйидагилар кўрсатилди:

1. Топиш аниқлиги мониторинг маълумотларининг аниқлигига аҳамиятли таъсир кўрсатади. Масофадан танлаш усули аниқроқ натижалар беради;
2. Автомобил ва мотоцикллар транспортнинг энг рентабел ва мос келадиган турлари бўлиб чиқди;
3. Из ва яшаш фаолияти изларининг ҳисобга олиниши эмас, сайғоқнинг ҳисобга олиниши аниқроқ натижа беради;
4. Кузатувчиларга тўланган пул, умуман олганда мониторинг дастурида усулларнинг ҳар қандайини қўлаш самарадорлигига таъсир кўрсатадиган, харажатларнинг энг катта қисмини ташкил этди.

Тадқиқотда маҳаллий олимлар томонидан мотоциклларда трансекталар бўйича юриб ва сайғоқ мониторинги учун масофадан танлаш усулини қўллаб амалга ошириладиган, энг рентабел ва аниқ усулни қўллаш тавсия этилади. Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда Уитли фонди мукофоти билан молиялаштирилган намунавий лойиҳа ўтказилмоқда, унинг натижаларини 2012 йилда кўрамиз деб умид қиламиз. *тўлиқ ҳисобот билан танишиши истагингиз бўлса мен, Елена Бикова ([esipov@xnet.uz](mailto:esipov@xnet.uz)) ёки Э.Дж. Милнер-Гулланд ([e.j.milner-gulland@imperial.ac.uk](mailto:e.j.milner-gulland@imperial.ac.uk)) билан боғланинг.*

## Ялпи нобуд бўлишдан сўнг урал сайғоқ популяциясини сақлаш жараёнига жамоатчиликни жалб этиш

Сэмюэль К., Климанова О., Уримбаев М., Милнер-Гулланд Э.Дж.

Муаллиф-мухбир: Карлин Сэмюэль, Лондон Империял коллеж, [carlynsamuel@o2.co.uk](mailto:carlynsamuel@o2.co.uk)

Сайғоқни сақлаш бўйича Альянсининг “Ялпи нобуд бўлишидан кейин урал сайғоқ популяциясини сақлаш жараёнига жамоатчиликни жалб этиш” лойиҳаси «Save our species», People's Trust for Endangered Species ва Disney Wildlife Conservation Fund дастурининг молиявий кўмагида 2010 йил август ойида бошланди. Лойиҳа 2010 й. Уралда сайғоқларнинг ялпи нобуд бўлишига жавобан ишлаб чиқилди (*Saiga News-11* ва ушбу сонда Р.Кок мақол. қар.) ва SCA маҳаллий шериги – Қозоғистон биохилма-хилликни сақлаш ассоциацияси (АСБК) раҳбарлигида Қозоғистонда Лондон Империял коллеж иштирокида бажарилди.

Лойиҳа бўйича фаолият сайғоқ яшайдиган районда жойлашган етти асосий поселкада истиқомат қиладиган катталар ва болаларга мўлжалланган. Сайғоқ, ҳамда урал популяцияси билан боғлиқ бўлган браконьерлик ва касалликлар каби муаммолар тўғрисида одамларнинг билимларини чуқурлаштиришни кампания ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Умумий мақсад

жамоатчиликда сайғоққа нисбатан ижобий муносабатни таъминлаш ва бу турни тиклашга одамларни жалб этиш узок муддатли дастурининг асосларини солишдан иборат эди.

АСБК аъзолари 2011 й. январида кампания бошланишидан олдин барча поселкаларга ташриф буюрди ҳамда уларнинг билимлари ва сайғоққа бўлган муносабатларининг даражасини баҳолаш учун маҳаллий аҳоли орасида анкета-сўровлар ўтказди. Сўнг АСБК ходимлари поселкалар аҳолиси учун ахборот кечалари ва ўқувчилар учун таълим кунларини ўтказди. Поселкалар аҳолиси ва уларнинг болалари томонидан ижобий баҳоланган “Сайғоқ куни”ни ўтказиш вақтида кампания энг авжига чиқди (*Saiga News-12* қўр.). 400га яқин маҳаллий аҳоли ва болалар 2011 й. июнида яқунловчи босқичда лойиҳанинг самарадорлигини баҳолаш бўйича сўровнома ўтказишда иштирок этди. Ушбу сўровноманинг натижаларини лойиҳанинг бошланғич босқичида олинган натижалар



билан солиштирилиши хабардорлик даражаси ва инсонларнинг сайғоққа бўлган муносабатига кампания қандай таъсир кўрсатганини, уларнинг ҳулки қандай ўзгарганлиги, шунингдек кампания ўтказишнинг муваффақиятига таъсир кўрсата оладиган бошқа кўрсаткичларни баҳолашга ёрдам берди. Шунингдек натижалар маҳаллий аҳоли “ташқи” табиатни муҳофаза қилиш чора ҳамда жараёнларини баҳолашини ва бу уларнинг муваффақиятига қандай таъсир этишини кўрсатди.

Тадқиқотлар кампания муваффақиятли ўтгани, одамлар умуман сайғоқни сақлашга қизиқиш кўрсатгани, бу эса сайғоқни сақлашда маҳаллий аҳолининг ролига нисбатан оптимизм ҳосил қилганини кўрсатди. Кампания тугагандан сўнг респондентларнинг билим даражаси унинг ўтказилишидан олдинги даврга нисбатан анча ошди, бу кампания аҳолининг умуман сайғоқ тўғрисида хабардорлигини оширганлигини исботлайди. Кампаниядан сўнг ушбу тур тўғрисида барча зарур маълумот бор деб белгилаган респондентларнинг сони 38%гача ошди. 93% респондентлар олинган маълумотлар муҳим деб ҳисоблади. Битта респондент “сайғоқ яқинда мамонтлар каби йўқ бўлиб кетишини” таъкидлади.

Четдан келган одамлар тақдим этган маълумот маҳаллий аҳоли учун муҳимроқ бўлиб кўринганини ҳам таъкидлаш қизиқ. Баъзи одамлар кампанияни “бегоналар” томонидан ўтказилиши уларнинг кўзларида уни эътиборини оширди деб ҳисоблади, одамлар “бу ерга ҳали ҳеч ким келмаган, сайғоқлар тўқнашадиган муаммолар тўғрисида билмас эдик; бизнинг фарзандларимиз сайғоқларни ҳеч қачон кўрмаган, бироқ энди улар сайғоқларнинг муҳимлигини тушунади” дедилар.

Иштирокчилардан бири сайғоқнинг мушкул аҳволига катта эътибор берилмагани, хабардорликни ошириш бўйича кампания эса одамлар эътиборини сайғоқ муаммосига жалб этиш жиҳатидан ижобий оқибатларга эга бўлгани тўғрисида фикр билдириб: “хабардорликни ошириш бўйича кампания сайғоқни йўқотиш – бизнинг энг муҳим экологик муаммоимиз эканини тушинишга ёрдам берди; кўпчилигимиз бу ерда бутун умр яшадик, бироқ сайғоқ тўғрисида ҳеч қачон эшитмаганмиз; энди ҳамма улар тўғрисида сўзламоқда” деди. Бир неча респондент кампания “болаларга ёшлигидан табиат ва ёввойи ҳайвонларни ҳурмат қилиш ва сақлашни ўргатиши” учун муваффақиятли бўлди деб ҳисоблади.



Карлин Сэмюэль маҳаллий аҳоли ва АСБК волонтерлари ҳамда талабалари гуруҳи билан.



Карлин Сэмюэль сурати

#### Сайғоқ Қунининг энг фаол қатнашчиси.

Баъзи респондентлар кампанияда иштирок этиш тажрибасини ижобий баҳолади, чунки тадбирлар текин бўлиб, уларнинг посёлкаларида ўтказилди.

Одамларнинг сайғоқни сақлашга бўлган муносабати лойиха бажарилишидан бошлаб анча яхшиланди. Кампаниягача одамларнинг кўпчилиги сайғоқнинг йўқолиб кетиши уларни шунчаки қизиқтирганини белгилаган, баъзилари эса бу муаммо уларни умуман қизиқтирмаслигини таъкидлаган эди.

Кампаниядан сўнг кўпчилик “менга сайғоқнинг йўқ бўлиб кетиши бефарқ эмас” деган вақтда одамларнинг фақат кичик гуруҳи сайғоқнинг йўқ бўлиб кетишига бефарқлигини билдирди.

Лойиха хабардорликни ошириш бўйича кампаниялар одамларнинг сайғоққа муносабатини яхшилашга ёрдам бериши ва маҳаллий аҳоли Урал регионида бу турнинг муҳофазасига қўшилишга тайёрлигини кўрсатди. Кейинги кадам – хабардорликни ошириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва экотаълим бўйича дастурни йиллик мактаб жадвалига киритиш, регионда сайғоқни сақлаш бўйича ёрдам гуруҳини шакллантириш. Бу лойиҳанинг иши давомида одамларда пайдо бўлган позитив ҳиссиётларни шундай кучайтиришга ёрдам беради-ки, улар ташқи кузатувчи бўлиб қолмасдан ўзлари ҳам сайғоқни сақлаш ишига ҳисса қўшиши мумкинлигини ҳис этсин.

# Россияда сайғоқни сақлаш бўйича ҳаракатларнинг миллий режасини тайёрлаш

Переладова О.Б.

Марказий Осиё дастури, WWF Россия, [opereladova@wwf.ru](mailto:opereladova@wwf.ru)

2009 йил июнь ойида Боннда РФ томонидан имзоланган Ҳамжихатлик Меморандуми бўйича мажбуриятларни бажариш доирасида Сайғоқни сақлаш ва тиклаш бўйича ҳаракатларнинг халқаро режасини амалга оширишда Россиянинг биринчи навбатдаги вазифаларидан бири ушбу ноёб ҳайвонни сақлаш бўйича ҳаракатларнинг миллий режасини тайёрлаш бўлади. Россияда, айнан Шимолий-Ғарбий Каспий олдида (Қалмоғистон, Астрахань области ва туташган ҳудудлар), минг афсуски, сайғоқ сонининг камайиши давом этаётганлиги сабабли, бундай режанинг ишлаб чиқиши ва амалга оширилиши жуда долзарбдир. 2000–йиллар бошида 18-20 мингдан ҳозирги вақтда у 7 минггача қискарди (*Saiga News-13 қар.*). Шу даврнинг ўзида, худди шундай иқлим шароитларида ва асосий яшаш жойларда ўсимликлар ривожланишининг ўхшаш суратида Қозоғистонда сайғоқларнинг умумий сони 20 мингдан 100 мингдан ортиғига кўпайди, Қозоғистон ҳудудини тарқ этмайдиган бетпақдала популяциясининг сони эса - 2002-2003 йй. 3-4 мингдан 2011 й. 70 мингдан ортиғига кўпайди. Қозоғистон Республикаси мисоли тур тикланишининг реал имконини кўрсатади.

Россия Федерацияси томонидан олинган мажбуриятларни тезроқ бажариш мақсадида, WWF-Россия 2010 й. кузида 2015 йилгача бўлган даврга Сайғоқ бўйича ҳаракатлар миллий режасини тайёрлаш бўйича мослашувни бошлади.

Тайёрланган лойиҳа мутахассислар ва ташкилотларнинг кенг доирасига, тегишли регионал бошқарув органларига муҳокама учун тақдим этилди ва унинг қайта ишланишида барча тушган мулоҳаза, ўзгариш ва қўшимчалар ҳисобга олинди.

Ҳаракатлар режасининг лойиҳаси сайғоқнинг муҳофазаси бўйича халқаро ҳамкорликни ривожлантириш бўйича чоралар мажмуаси, ушбу тур муҳофазаси ва тикланишининг меъёрий-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш масалаларини қамраб олган.

Сайғоқ группировкаларининг нормал ривожланишига зарур бўлган табиий миграцияларни

таъминлаш учун алоҳида қўриқланадиган табиий ҳудудлар тармоғини ривожлантириш зарурати, шунингдек алоҳида қўриқланадиган табиий ҳудудлардан ташқарида сайғоқ муҳофазасининг самарадорлигини ошириш масалалари, яшаш жойлар ҳолатини оптималлаш бўйича зарур бўлган биотехник чоралар комплексини режалаштириш ва амалга оширишга жиддий эътибор берилмапти. Режанинг махсус бўлимлари сифатида мақсадли илмий тадқиқотларнинг ривожланиши, шунингдек сайғоқ популяциялари ҳолатининг мониторингини такомиллаштириш, хусусан, ушбу ҳайвон популяциясига зарар етказмайдиган услубиятлар асосида сайғоқ ва унинг яшаш жойлари мониторингини олиб бориш зарурлиги кўрилмоқда. Шунингдек Ҳаракатлар режасига оқартув ва маориф ишларининг турли йўналишлари, сайғоқнинг Россия популяциясини сақлаш ва тиклаш муаммосини ечишга маҳаллий жамоаларни жалб этиш бўйича ҳаракатлар ҳам киритилган.

2011 й. 31 октябр куни Ноёб турлар бўйича комиссия йиғилишида Режа маъқулланди ва якунига етказиш, расмий тасдиқланиш ҳамда амалга оширилиши учун ўрнатилган тартибда Россия Федерациясининг табиий ресурслар ва экология вазирлигига берилди.



Сайғоқлар Қалмоғистон Республикаси Ёввойи ҳайвонлар марказининг питомнигида.



# Сайғоқни сақлаш – ҳаётларининг иши

**Тахририятдан:** Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг Давлат биологик назорати бошлиғи в.б. Александр Аркадьевич Григорьянцдан олган интервьюмизни ушбу сонда эълон қиламиз. Кўп йиллар давомида Александр Аркадьевич Ўзбекистоннинг ноёб табиатини сақлаш соҳасида ишлайди. Ишининг ёрқин ва эсда қоладиган лаҳзалари браконьерликнинг олдини олиш бўйича оператив иш билан боғлиқ. Шунингдек у бир қатор халқаро, жумладан юрисдикциясида сайғоқ бўлган СИТЕС ва CMS конвенцияларининг бажарилиши учун маъсул.

**Мухр.:** Сайғоқ билан илк бор қачон қизика бошлагансиз?

**АГ:** Мен болалигимдан ёввойи ҳайвонларнинг ҳаёти билан жуда қизикқанман ва сайғоқни расмда кўрганимда (нечанчи йиладилгини эслолмайман) унинг ўзгача кўриниши мени ҳайратда қолдирган. Бироқ бу тур билан 1976 йил инспекцияда ишлашни бошлаганимда яқиндан қизикиб қолдим.

**Мухр.:** Ҳар доимги иш кунингиз қандай?

**АГ:** Ҳозирги вақтда менда ташкилий ва қоғоз ишлар жуда кўп. Бизнинг ташкилотга турли саволлар бўйича келган одамлар билан мунтазам учрашаман, агарда ходимларимиз ўзининг даражасида масалани ечолмасалар, унинг ечилишига мен киришишим керак бўлади. Афсуски, оператив, инспекторлик иш камайиб кетди.

**Мухр.:** Сайғоқ тўғрисида бирорта қизикарли воқеани айтиб бероласизми?

**АГ:** Оператив иш билан шуғулланганимда сайғоқни тез-тез учратиб турар эдим. Турли вазиятлар бўлган, бироқ бу айнан иш эди, шунинг учун улар эътиборга лойиқ деб қабул қилинмаган.

**Мухр.:** Ишингиздаги асосий муаммолар?

**АГ:** Асосий муаммолар – бу инспекцияларнинг техник жиҳозлангани, кадрларни тайёрлаш, табиий ресурслардан фойдаланишнинг назоратини кучайтириш соҳасида қонунчиликка қўшимча ва ўзгаришлар ишлаб чиқиш.

**Мухр.:** Сизнинг ишингиздаги тўсиқларни қандай қилиб бартараф этиш мумкин?

**АГ:** Қарорлар қабул қиладиган шахслар орасида табиат муҳофазасининг тарғиботини кучайтириш керак. Шунингдек уларни мунтазам равишда табиат муҳофазаси масалаларига ўқитиш керак. Сиёсатчи ва иқтисодчилар келажақда табиатни тиклашга миллиардлар сарфлагандан, ҳозир табиатни сақлашга миллионлар сарфлаган афзалроқлигини тушинишлари керак.

**Мухр.:** Ишингизда энг яхшиси нима?

**АГ:** Бу, ишим менга хурсандчилик бахш этиши ва

табиатни муҳофаза қилиш билан боғлиқ вазиятни яхшилаш учун қўлимдан келган ҳаммасини қилмоқчиман.

**Мухр.:** Сайғоқни сақлаш истиқболлари қандай? Бу турнинг омон қолиши учун биринчи навбатда нима қилиш керак?

**АГ:** Кўп йиллар аввал сайғоқ йўқ бўлиш чегарасида турган эди, бироқ жиддий қонунлар унинг сонини тиклашга ёрдам берди. Муҳофаза масаласини, қонунчиликни ва маҳаллий аҳоли орасида тарғиботни кучайтириш керак, ҳамда қонун талабларини аниқ бажариш керак. Мен ишонаман, унинг сонини тиклаш қўлимиздан келади.

**Мухр.:** Сиз бир неча ўн йилдан буён табиатни муҳофаза қилиш соҳасида ишлайсиз. Бу йилларда нималар ўзгарди, бу соҳадаги замонавий йўналишлар қандай?

**АГ:** Ҳа, мен кўпдан буён ишлайман ва яхши томонга ўзгаришлар белгиланганлигини айтишим мумкин. Табиат муҳофазаси – бу қандайдир фанатикларнинг тентаклиги эмас, балки Ерда, бизнинг умумий Еримизда ҳаётни сақлаш зарурати эканлигини анча кўп одам тушуна бошлади. Табиатнинг чегаралари йўқ, буни кўпчилик, жумладан сиёсий арбоблар ҳам тушуна бошлади. Менинг фикримча бу, яқин келажақда табиатни муҳофаза қилиш масалаларининг анча яхшиланишига тўғридан тўғри йўл.



Александр Григорьянц кабинетидида.

# Лойиҳалар шарҳи



## 2011 й. Сайғоқни сақлаш бўйича альянс кичик грантлар дастурининг танловлари

2011 й. Кичик грантлар иккита алоҳида танловини ўтказишга муяссар бўлди. Биринчиси СІС ва WCN томонидан қўллаб қувватланди ва сайғоқ бўйича лойиҳаларни жойларда қўллаш ва Кўчиб юривчи турларга доир Конвенциянинг Сайғоқни сақлаш бўйича ҳамжихатлик меморандуми Ўрта муддатли халқаро ишчи дастурининг бажарилишига имкониятлар яратиш бўйича ҳар йилги фаолиятмизни давом эттирмоқда. Ғолиблар 2011 й. сентябр ойида SCA ташкилий кўмитаси томонидан танлаб олинди. Бу йил фаолиятнинг ҳар хил турларини ва сайғоқ яшайдиган давлатларнинг кенг географик қамраб олинишини кўзда тутадиغان, учта ажойиб лойиҳани мамнуният билан молиялаштирдик.

- Мингсия Жанг (Хитай) «Гуанчжоуда сайғоқнинг ноқонуний савдосини қисқартириш».
- Максуг Жаримбетов (Қозоғистон) “Сайга тўрисида сага” комиксини яратиш, тираж белгилаш ва тарқатиш».
- Виктория Ностаева (Россия) «Сайғоқ тўғрисида кўчма (кенг форматли) информацион стенд яратиш ва Қалмоғистон Республикаси ўқувчиларининг экологик тарбияси учун маърузалар ўқиш».

АҚШ балиқ ва ёввойи қушлар хизмати (USFWS) кичик грантлар танловининг битта даврасини уларнинг номидан ўтказиш илтимоси билан SCA га мурожаат

қилди. Танлов мақсадлари Альянсни ҳар йилги кичик грантлар танловининг мақсадлари билан ўхшаш бўлиб, бироқ одаттаги бюджети 2 минг АҚШ долл. бўлган лойиҳаларнинг ўрнига 20 минг долларгача бўлганларини қўллаб-қувватлади. Энг яхши лойиҳаларни танлашга етти халқаро эксперт жалб этилди. Биз яна сайғоқ яшайдиган давлатларнинг учтасида фаолиятнинг ҳар хил турларини намойиш этган тўртта ажойиб лойиҳани мамнуният билан қўллаб-қувватладик.

- Анатолий Хлуднев (Россия) «Астрахань областида браконьерликка қарши курашишни кучайтириш ва сайғоқ муҳофазасини яхшилаш мақсадида “Степной” заказнигининг техник жихозланганлигини яхшилаш».
- Юрий Арилов (Россия) «Маҳаллий аҳолининг билим ва кузатишларидан фойдаланиб, Шимолий-Ғарбий Каспий олдида сайғоқ популяциясининг мониторингини ўтказиш».
- Батхуяг Балдангомбо (Мўғулистон) «Ғарбий Мўғулистон ва Хитойда сайғоқ дериватларининг трансчегара савдосини олдини олиш учун имкониятларни кучайтириш».
- Ян Ксие (Хитой) «Гуанчжоуда сайғоқ шохининг нолегал савдосини қисқартириш учун давлат қонунчилиги имкониятларини кучайтириш».

Ғолибларни табриклаймиз ва ишларининг натижаларини *Saiga News* кейинги сонларида ёритилишини кутамиз.





# Эълонлар

## CMS Халқаро ўрта муддатли сайғокни сақлаш бўйича ишчи дастурнинг бажарилишини мувофиқлаштириш



2011 й. феврал ойида Сайғокни сақлаш бўйича альянс (SCA) ва Қозғоғистон биохилма-хилликни сақлаш ассоциацияси (АСБК) Кўчиб юрвчи турлар бўйича

Конвенция (CMS) Котибияти билан Сайғокни сақлаш бўйича ўрта муддатли халқаро ишчи дастурнинг бажарилишини мувофиқлаштириш бўйича битимни имзолади. CMS кичик гранти кўмагида АСБК ва SCA иккита асосий йўналишда ишламоқда: сайғокни сақлашга қаратилган лойиҳалар ва ушбу соҳада ишлаётган экспертлар бўйича маълумотлар базасини яратиш (АСБК раҳбарлигида), ҳамда Сайғок бўйича ресурс маркази (РЦС)ни яратиш (SCA раҳбарлигида). Ушбу йўналишлар ўзроқ боғланган. Масалан, маълумотлар базасини РЦС сайтида он-лайн кўриш ва тўлдириш мумкин. Маълумот фақат рўйхатдан ўтган фойдаланувчилар учун очик бўлади.

РЦС веб-сайти, ҳар ким сайғок бўйича сурат, ҳужжат, видеофильм ва бошқа маълумотни топа оладиган, кенг омма учун мўлжалланган саҳифани киритади. «Coins for Change» Дисней фонди дастурининг кўмагида экотаълим бўйича материаллар бўлган саҳифа ҳам яратилади.

РЦСда барча ҳужжатлар инглиз ва рус тилларида тақдим этилади. Кўшимча молиялаштиришда рус тилидаги маълумотлар тўпламини кенгайтириб ва веб-сайтни сайғок яшайдиган бошқа мамлакатлар тилларига таржима қила оламиз деб умид қиламиз.


Маълумотлар базасини камраб оладиган РЦС, бир неча ҳафтадан сўнг ўз ишини бошлайди. Ҳозирча эса, сизнинг маълумотингиз маълумотлар базасига тушиши учун, лойиҳа ва экспертлар бўйича шаклларни тўлдиришни тугатишингизни сўраймиз. Шаклларни <http://www.saiga-conservation.com/saiga-resource-centre.html> да ёки [alyona.shmalenko@acbk.kz](mailto:alyona.shmalenko@acbk.kz) Алёна Шмаленкодан сўраб олишингиз мумкин.

Шунингдек РЦС саҳифаларида ўртоқлашмоқчи бўлган ҳар қандай ҳужжат, сурат ва бошқа материалларни SCA билан ишлаётган ва веб-сайт учун маълумотларни тўплаётган Адам Филлипсонга [adphil100@yahoo.com](mailto:adphil100@yahoo.com) юборишингизни сўраймиз.

Умид қиламиз-ки, сайғокни ўрганиш ва сақлаб қолиш билан шуғулланаётган барча ушбу ташаббусда иштирок этади. Бу ўрта муддатли халқаро ишчи дастур бажарилишини қўллаб-қувватлайди ҳамда тур сақланишини яхшилаш учун ҳамкорлик ва ахборот алмашувга ёрдам беради.

The screenshot shows the Saiga Resource Centre website. At the top, there is a navigation menu with links for Home, Background, Specialist Resources, Pictures, Videos, Literature, Environmental Education, Useful Links, Forum, and News. Below the menu, there is a featured content section with a title and a large image of a saiga antelope. To the right of the featured content, there is a grid of six smaller articles, each with a title, a small image, and a brief description. The articles are: 'About Saigas', 'Conservation status', 'The SRC', 'Saiga MoU', 'Progress towards MoU', and 'News archive'. At the bottom of the page, there is a footer with copyright information and links for 'Sign up to updates', 'Privacy policy', 'Terms & Conditions', 'Sitemap', and 'Contact us'.

Сайғок бўйича Ресурс марказининг саҳифаси (тайёргарлик жараёнида).



### Миннатдорчиликлар

Сайгоқни сақлаш бўйича альянс сўнги 6 ой давомида бизнинг фаолиятимизни қўллаган барчага, хусусан Марджори Паркер, Линда Табор-Бек, Стивен ва Карин Чейзов, Кеннон ва Боб Хадсонлар, Сьюзн ва Куртис Комбслар, Джефф Флокен (IFAW), Чип Оуэн, Ким ва Кевин Нуканенлар, Брэд Робертс ва Энн Мари Бургуин, Тийин Гости, Лиза ва Белинда Такер, Дебора Хорнейко, Сьюзан Вилинг, Петер Джелинек, Ада Ван Шчарнер, Гэвин Эвэнсларга ўз миннатдорчилигини билдиради. Ишимизда ёрдам бераётган WCN ходимлари ва волонтерлари ҳамда Saiga Newsда нашр этиши учун WCN Кўргазмасидан суратларини тақдим этган сураткаш Мартин Варонга миннатдорчилигимизни билдирамыз. Saiga Spotlight янги электрон нашрини босиб чиқаришига ёрдам берган дизайнер Майк Бромбергга алоҳида миннатдорчилик билдирамыз.

Ушбу сонни чиқишига ёрдам берган ташкилотлар CMS, WCN, WWF-Мўғулистон ва WCS-Хитойга миннатдорчилигимизни билдирамыз.

**Таҳрир хайъати.** Буюк Британия: проф. Э.Дж. Милнер-Гулланд [муҳаррир-консультант], Империял Коллеж Лондон ([e.j.milner-gulland@imperial.ac.uk](mailto:e.j.milner-gulland@imperial.ac.uk)); Қозоғистон: проф. А. Бекенов ва Ю. Грачев, Зоология институти ([teriologi@mail.ru](mailto:teriologi@mail.ru)), О.Климанова, АСБК ([olga.klimanova@acbk.kz](mailto:olga.klimanova@acbk.kz)); Хитой: Аили Канг ([akang@wcs.org](mailto:akang@wcs.org)) ва Фенглиан Ли ([fli@wcs.org](mailto:fli@wcs.org)), WCS Хитой; Мўғулистон: Б. Лхагвасурен ([lkhagvasuren@wwf.mn](mailto:lkhagvasuren@wwf.mn)) ва Б. Чимеддорж ([chimeddorj@wwf.mn](mailto:chimeddorj@wwf.mn)), WWF-Мўғулистон; Россия: А. Лушчекина, Экология ва эволюция муаммолари институти ([saigak@hotmail.com](mailto:saigak@hotmail.com)) ва проф. Ю. Арилов, Қалмоғистон Республикаси Ёвойи ҳайвонлар маркази ([kalmsaiga@mail.ru](mailto:kalmsaiga@mail.ru)); Ўзбекистон: Е. Бикова [маъсул муҳаррир] ва А. Есипов, Зоология институти ([esipov@xnet.uz](mailto:esipov@xnet.uz)).

Бу нашрни online [www.saiga-conservation.com](http://www.saiga-conservation.com), <http://saigak.biodiversity.ru/publications.html> да, ёки сўровнома бўйича босиб чиқарилган кўринишда инглиз, қозок, хитой, мўғул, рус ва ўзбек тилларида топиш мумкин.

Олти тилнинг ҳар қандайда материал юборишингизни сўраймыз. Илтимос, уларни куйидаги манзил бўйича [esipov@sarkor.uz](mailto:esipov@sarkor.uz), ёки муҳаррирларнинг бирига юборинг. Бюллетень бир йилда икки марта чиқади. Инглиз ва рус тилидаги муаллифлар учун қоидаларни [www.saiga-conservation.com](http://www.saiga-conservation.com) да топиш ёки муҳаррирлардан олиш мумкин. Агарда саволлар туғилса илтимос, Saiga News мамлакатингиздаги муҳаррири ёки маъсул муҳаррир Елена Бикова ([esipov@xnet.uz](mailto:esipov@xnet.uz)) билан боғланинг.